

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Р.Ж.КУРБАНОВА

**СЕРВИС КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА УЛАРДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Монография

Курбанова Р.Ж. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш. Профессор Б.А.Абдукаримов таҳрири остида. Монография. –. ____132 б.

Монографияда сервиснинг концептуал ва методологик аспектлари таҳлили, сервис корхоналарнинг техник технологик модернизациялаш билан самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Шу билан бирга Самарқанд вилояти овқатланиш корхоналари мисолида ишлаб чиқилган, корхона моддий техника базасининг техникавий ва техникавий иқтисодий даражасини, янги техника таъсирини аниқлаш механизми ва методлари, корхона самарадорлигини ошириш методик тавсиялари келтирилган.

Монография профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчи ва мустакил изланувчиларга, ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги раҳбарлар ва олий малакали мутахассислар ва магистратура, бакалавриатура талабаларига мўлжалланган.

УДК.338.45:642.5

Кафедра қарори: 2012 йил 14 декабр 5-сонли мажлис баёни

СамИСИ Илмий кенгаш қарори: 2013йил 29март 8-сон мажлиси

Такризчилар:

и.ф.д.,профессор И.Иватов
и.ф.н. доцент в.б. Т.С.Шарипов

Мундарижа

Кириш.....	4
I. Боб. Сервис корхоналарни модернизациялаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари.....	6
1.1. Сервис корхоналарини модернизациялаш мақсадида хизмат кўрсатиш ва сервиснинг концептуал назарий таҳлили.....	6
1.2. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив зарурияти.....	23
1.3. “Ўзбек модели” асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервиснинг ривожланиш ҳолати ва келажаги.....	26
II. Боб. Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш.....	47
2.1. Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш корхоналарни модернизациялашнинг инновацион ҳолатини тадқиқоти.....	47
2.2. Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (Оби Раҳмат ОАЖ “Юлдуз” ресторани мисолида).....	56
2.3. “Оби Раҳмат” ОАЖ “Юлдуз” ресторанининг техникавий даражасини таҳлили.....	59
III. Боб. Самарқанд вилоят сервис корхоналарини техник технологик модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш (Оби Раҳмат ОАЖ “Юлдуз” ресторани мисолида).....	78
3.1. Корхонани модернизациялашда техника ва техникавий - иқтисодий даражасини аниқлаш. (Оби Раҳмат ОАЖ “Юлдуз” ресторани мисолида).....	78
3.2. Умумий овқатланиш корхоналарида сервис хизматини кўрсатишни тадқиқ этиш методи (“Оби Раҳмат” ОАЖ “Юлдуз”).....	93
3.3. “Оби Раҳмат” ОАЖ “Юлдуз” ресторанининг овқатланиш сервис хизмат кўрсатиш тадқиқоти натижалари ва унинг таҳлили.....	101
Хулоса.....	109
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	112
Иловалар.....	117

Кириш.

Сўнгги йилларда Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар негизида иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодийда эришган ютуқларнинг асоси бозор иқтисодиёти, мулк шакллариининг такомиллашуви, иқтисодийдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш “ номли маърузаларида “...ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозорида ўз позициясини мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди”¹ деб таъкидладилар. Шу туфайли “..2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор” деб таъкидлагани бежиз эмас. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2012 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 52,5

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли маърузаси.”Халқ сўзи” ., 2013 йил, 19 январь.

фоизни ташкил этди.² Бугунги кунда сервис корхоналаридан ҳисобланган умумий овқатланиш корхоналарида кўрсатилаётган хизматлар тадбиркорликнинг муҳим фаолияти ҳисобланиб, бу билан кўпгина ташкилотлар ва якка тадбиркорлар шуғулланмоқдалар. Умумий овқатланиш корхоналарининг ривожлантирилиши инсонларнинг турли хилдаги эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажаради.

Бундай вазифаларни бажаришда овқатланиш корхоналарининг техникавий таъминланганлиги алоҳида рол ўйнайди. Улар ўзаро типлари, ўлчамлари, ҳамда кўрсатилаётган хизматлари билан фарқланадилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам замонавий талабга мос келмайди. Шунинг учун савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини техник–технологик модернизациясини такомиллаштириш лозим. Умумий овқатланиш корхоналар модернизацияси – бу корхоналарни янгилаш, такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш, овқатланиш хизматларини, уларни сифат кўрсаткичларига мос келтиришдан иборатдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш умумий овқатланиш корхоналарини самарадорлигини оширишни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, имкониятларини аниқлаш, умумий овқатланиш хизматларини сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарини сервислаштиришнинг муҳим омили модернизациялаш ҳисобланади. Бунда корхоналарни техник-технологик модернизациялаш муҳим ўрин эгаллайди.

Корхоналарни модернизациялаш - бу биринчи ўринда унинг ишлаб чиқаришида “янги (инновацион) техника”ни киритиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ташкил этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида турли хилдаги техникалар ва жиҳозлар қўлланилиб келинмоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарни техник-технологик модернизациялаш орқали ривожлантириш йўналишларини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан аниқлаш алоҳида аҳамиятга эгалиги туфайли бу масала ўрганилиши лозим бўлган долзарб муаммолардандир.

² Ўша жойда.

1 БОБ. Сервис корхоналарни модернизациялаш билан хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари

1.1. Сервис корхоналарини модернизациялаш мақсадида хизмат кўрсатиш ва сервиснинг концептуал назарий таҳлили

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳасида кўплаб корхоналар ва ташкилотлар мавжудки, улар орқали истеъмолчиларнинг турли хилдаги талаблари қондирилиб борилмоқда. Бу корхоналар ўзининг тури, йирик ва кичиклиги ҳамда қандай хизмат кўрсатиш билан фарқ қилсада, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги вақт, анъанавий меъёр қоидаларига жавоб беради деб айтолмаймиз. Шунинг учун ҳам корхоналарни модернизациялаш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, модернизация инглизча сўздан олинган бўлиб, “модерн” сўздан келиб чиқиб, ”замонавий”, “янги” деган маънони билдиради. Биз модернизациянинг сиёсий, ижтимоий –иқтисодий ва маданий бўлишлигини инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг модернизацияси, айнан, унинг сервислаштирилиши билан узвий назарий асосларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади..

Модернизациялаш босқичида ишлаб чиқариш сифатини маҳсулотнинг техникавий даражаси, стандартлаштирилганлиги, унификацияси, меъёр ва талабларга мослиги ва х.к. муҳим ҳисобланади. Шунинг учун корхона модернизацияси деганда объектни техник-технологик такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш билан юқори сифат янги талаблари ва меъёрларини техникавий шартларига мослаш тушунилади.

Хизмат кўрсатиш, айниқса, сервиснинг иқтисодиётимизда нисбатан янги соҳа ҳисобланганлиги муносабати билан унинг илмий моҳиятини аниқлаш, келгусида шундай корхоналар фаолиятини самарадорлигини ошириш, яъни модернизациялаш мақсадида биз унинг концептуал назарий таҳлилини кўриб чиқамиз.


Корхоналарни модернизацияси деганда, уларни такомиллаштириш, яхшилаш, объектини янгилаш билан ҳозирги замон талаблари ва меъёрлари, техникавий шарт- шароитлари, меъёр ва сифат кўрсаткичларига мос келтириш ишларини бажариш лозим. Корхона модернизацияси бўйича бажарилган ишларнинг ижобий бўлганлигини эса унинг охир оқибат самарадорлигининг ошган ёки ошмаганлиги билан баҳоланади. Корхона фаолиятининг сифат натижаларидан бири бу унинг самарадорлиги ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ривожланиш қонуниятлари, хусусиятлари, янги назарияларнинг келиб чиқиш шароитлари, умуман маълум соҳада илмий тафаккур усулини радикал равишда ўзгартирувчи илмий фикрлар соҳа тарихида мунтазам равишда бўлиб турган ва охир оқибат маълум соҳанинг тўлиқ шаклланишига сабаб бўлган. Худди шундай, бошқа шаклланган соҳалар каби ҳозирги вақтда сервис соҳаси ўзининг эволюцион ривожланиш даврини босиб ўтмоқдаки, бундай вақтда биз ҳозирда тўлиқ шаклланмаган сервис назариясининг ўрнида сервис концептуал назарий таҳлилини кўриб чиқишимиз жоиздир. Хизмат кўрсатиш, сервиснинг дастлабки концептуал назарий таҳлили, шуни кўрсатяптики, ҳозирги вақтда унинг назарияси: парадигма (бу илмий бирлашмаларга маълум вақт давомида муаммоларни қўйиш модели ва ечимини берувчи ҳамма томондан тан олинган илмий ютуқлар тушунилади.³) ҳолатида бўлиб, яъни ҳозирги изланиш вазифаларини ечиш учун кўпчилик томонидан қабул қилинган назария даражасидир. Шунинг учун ҳам концептуал таҳлилда соҳани шакллантирувчи фанларда эволюцион ривожланиш билан олиб борилса, изланишлар самарали ҳисобланади. Барча фанлар ўзининг ривожланишида камида икки босқичда, яъни классик-ноклассик ва постклассик методологик парадигмиал трансформациясидан ўтиши лозим⁴. Хизмат кўрсатиш, айниқса, сервис янги йўналиш бўлганлиги учун унда бундай босқичли ўтиш аралашсимон бўлмоқда. Унда уч методологик платформа ҳам синхрон равишда ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам

³ Кун Т. Структура научных революций М.: Прогресс 1975 г 287с. (перевод с английского)

⁴ Философия социальных и гуманитарных наук / под. редак. А.С.Лебедева М.:2006 г 276с.

ҳозирги вақтда унинг умумий даражадаги илмий меъёри, таърифи тушунчаси тўла ишлаб чиқилмаган. Бунга сабаб сервис парадигмаси ҳосил бўлиш методологик асосининг йўқлиги, сервис фанининг институтцияланмаганлиги, янги фан базали объекти ҳақидаги билимларнинг камлиги ва бу билимларнинг адекват эмаслиги ҳисобланади⁵. Агар биз илмий изланиш методологиясини замонавий тизимли таҳлил принциплари бўйича кўриб чиқсак унда улар: онтологик, аксиологик, гносеологик ва праксиологик босқичлардан таркиб топган структурага эга бўлганлигини кўришимиз мумкин⁶ (расм -1.1). Бундай структуранинг асосини дедуктив муаммоли мантиқли таҳлил ёрдамида қўйилган қийматли-мақсадли, яъни кўп босқичли муаммолар идентификациясидан «атомлашган» ечимлар концептларига ўтиш талаб этилади.⁷ Ушбу муаммоли декомпозицияни бажариш принципининг тизимли модули қуйидагича бўлиши мумкин: мақсад – (интеграциялашган вазифа) - муаммо (тўсик) – сабаб (фактор)-ечим концепти.



Расм- 1.1. Илмий изланишда тизимли таҳлилни методологик чизмаси

⁵ А.А.Федулин, Н.А.Платонов и др Концептуальные и методологические аспекты формирование сервисологии –науки синергийного типа. М.:Собрание 2008г 247 стр.

⁶ Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М.: 2006 г.320с.

⁷ Сулакмин С.С. Системная методология проектирование государственно – управленческих решений. – М.: 2006 г.

Сервис фактори деганда (сабаб, ҳолати) кўриладиган ҳодиса, жараён, ҳолати (мақсаддан келиб чиқиб) шароит, ҳолат сабаби тушунилади. Шундай қилиб сервис соҳасининг фанининг етук даражада бўлишлиги юқорида келтирилган босқичлар давомида шаклланиши ва турли фаолият даражасидаги муаммоларни ечиш концепциясига, яъни турли инновацион тушунчага эга бўлиши талаб этилади. Унинг тўлалиги умумий даражадаги категорияга эга бўлишлиги билан белгиланади. Аммо, ҳозирги вақтда кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича сервис фанининг таърифий ифодаланишида умумий бирлик сезиларли даражада эмас ва шу билан бирга унинг умумий илмий меъёри ҳам тўлалигича аниқланмаган.

Ҳар қандай соҳа фаннинг тўлақонли фан бўлганлигини куйида келтирилган парадигматив ёндашув талабларига жавоб беришлиги билан аниқланади.⁸ Буларга: фан ёзувининг хусусий категориал аппаратининг бўлишлиги, эмперик ва назарий даражанинг тизимли бирлиги, концептуал умумийлиги, хусусий методикасининг бўлишлиги, фаннинг вақт-вақти билан кетма-кетликда алмашиб турувчи тарихий ғоялари сифатида бўлиши, мантиқий бирлиги ва исботланишувини, меъёрий даражада (бунда қонуниятларни, тартибларни аниқлаш мумкин) бўлишлиги, махсус изланиш объектига эга бўлиши, верификация, фальсификация, назарий гетерогенлик (турли изланиш концепцияси ва йўлларига эга бўлиш) хусусиятларининг бўлишлиги, прогностик функцияси ва назариядан амалиётга ўтишдаги амалий мослашувчанлиги киради.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, сервиснинг хусусиятида синергетик (умумийлик) табиати борлиги тасдиқланиляптики, уларни келгуси изланишларда ҳар томонлама ошириш лозим бўлади. Ҳозирда эса америкалик олим Ж.Жафари кўрсатганидек, нисбатан янги йўналиш, лекин сервисдан анча вақт олдин ривожланган туристик (турисология) изланишларга ёндашиб, унинг методологиясини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, сервис ва туризм бир – бирига яқин соҳалар бўлиб ҳисобланади.

⁸ Джафари Д. Феноменология туризма / Теория и практика физической культуры / 2000г №8

Туризм сферасида ишлаб чиқилган методологик асосларини матрица сифатида сервисда ҳам қўллаш мумкинлиги кўпгина муаллифлар томонидан кўрсатиляпти.

Буларда туризмнинг категориал аппарати муаммолари, уларнинг фанлар оралиғида илмий синергетикликга ўтиши, фанлар кластери (муз бўлмаган, лекин сув ҳам эмас), жўғрофик, тиббий-биологик, иктисодий, ижтимоий, психологик, фалсафий-эстетик, маданий-антропологик, геосиёсий, сиёсий тарихий компонентларини ифодалаб беришганки, уларни сервис методологиясида қўлланилишида ҳам самарали натижа бериши кўрсатилган.

Сервиснинг ривожланиш босқичларидаги трансформацияси шуни кўрсатадики, унинг эволюцион тарихида, айниқса охириги вақтларда «сервис» дефинициясини⁹* очиб уни меъёрлаштиришга интиляпти. Худди шундай туризмнинг ҳозирги вақтда 13 дан кўп таърифи борки, сервисда ҳам шундай ривожланиш борапти ва асосий мунозара бу «сервис» ва «хизмат» тушунчаларининг идентификацияси борасида бўляпти.

Туризм ва сервиснинг хронологик тарихини кўриб чиқганда ҳам, ҳеч вақт бу тушунчаларнинг констант бўлиб қолмаганлигига, доимо ўзгариб ривожланиб борганлигига амин бўламиз.

Инглиз тарихчиси Р.М.Хартуэлнинг таъкидлашича, даставвал саноат корхоналари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши узлуксиз маиший хизмат кўрсатиш системасини талаб этди ва дастлабки индустриал жамиятда хизмат кўрсатиш (сервис) ишлаб чиқаришга тобеъ соҳа деб қаралди. Унинг функциясига навбатдаги меҳнат тақсимооти фазаси бўлган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш инфраструктурасини келтириб чиқариш қўйилади. Бу айниқса, собиқ Совет Иттифок иктисодиётида ўзини ривожланишини топди. Худди шу вақтда, иктисодиёт назарияси тарихида секториал бўлинишда ифодаланиб: биринчи – қишлоқ хўжалиги, иккинчи – саноат, сўнггра ўз ичига савдо, транспорт, банк ишлари, администрацияни ўз ичига олган. «Хизмат»

⁹ лат. Definitio қандайдир тушунчанинг қисқача (асосий хусусиятларини ўз ичига олган ҳолатида)илмий таърифи

учинчи секторга ажратилди, лекин бундай ҳолатда иқтисодий моделлар учинчи секторининг муҳимлигини эътиборга олинмади.¹⁰

Фикримизнинг исботи учун шуни кўрсатиш мумкинки, собиқ иттифоқ даврида чиқган барча луғатларда сервисга айнан шундай нотўғри изоҳ берилган¹¹.

Индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтишида айниқса, ғарбдаги иқтисодиётда юқори иш ҳақи сиёсати натижасида, халқнинг сотиб олиш қобилиятини кескин ошиши хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириб юборади. Натижада «глобал сервис кенглиги», «дунё ва миллий иқтисодиётнинг сервисизацияси» «хизматлар янги иқтисодиёти», «сервис типидagi иқтисодиёт» ва х.к. тушунчалар келиб чиқди.¹²

Дунё мамлакатларининг ялпи ишлаб чиқариш соҳалари бўйича нисбати шуни кўрсатяптики, ғарб давлатларида хизмат соҳаси ўртача ЯИМнинг 62-74% (Ўзбекистонда 50,4%), меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг ўртача 63%дан 75% камраб олди ва ҳозирги постиндустриал жамиятда сервислаштириш «постиндустриал жамият», «инновацион турдаги жамият», «ахборот жамияти», «билимлар жамияти» каби илғор ва истиқболли жамият ривожланиши сектори қаторида қараяпти.

Сервиснинг ҳозирги ҳолатида дунё мамлакатларининг ривожланиш даражасига қараб, унга турлича қараяпти: ғарб давлатларида иқтисодий парадигма сифатида қаралса, «янги индустриал», «учинчи дунё» давлатларида эса индустриал ишлаб чиқаришни қўллаб – қувватлаш хизмат фаолияти сифатида қараяпти. Шулар қаторида «хом ашё мамлакатлари» ёки аграр, ресурсли давлатларда эса сервис чегараланган гуруҳ учун, якка ҳолатларда, хатто дабдабали янги бир соҳа ва қолган давлатларда фақат маиший талабларни қондириш сифатида қараяпти.

Хизматлар концептуал назари таҳлили кўпгина муаммолар номоддийлик тавсифини асосий кўрсаткич деб айтилиши ва моддий товардан

¹⁰ Бродель Ф. Время мира М.:192г Т3

¹¹ «сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)»Русча узбекча лугат .Ташкент 1984й.410бет.

¹² Аттали Ж.Избранное М.:2001г.

фарқлаш кераклигини кўрсатяпти. Бирок кўпгина ҳолларда хизмат натижасида моддий маҳсулотлар яратилади (масалан: уй –жой қуриши, кийим тикиш, мебел таъмирлаш ва хоказолар). Буларда хизмат моддий ишлаб чиқаришдан фарқ қилмайди.

Худди шунингдек, хизматни моддий ишлаб чиқаришдан фарқлашда унинг алоҳидалигини кўрсатишади, лекин ҳозирги хизматнинг асосий соҳасидан бири бўлган «маркетинг муносабатлари» ёрдамида мижозларни узоқ вақт муносабатда бўлишларига эришиляптики, бундай фарқлаш ҳам ўз аҳамиятини йўқотади.^{13, 14}

Хизматнинг асосий хусусиятига бажарувчидан ажралмас эканлиги, сақланмаслиги, истеъмол вақти билан ишлаб чиқариш вақтининг албатта тўғри келиши, сифатнинг доимий эмаслиги, мулкый ҳуқуқни беролмаслиги ва х.к хусусиятларини ҳам хизматнинг ёки сервиснинг асосий кўрсаткичи деб билиш номувофиқ ҳисобланади.

Ҳозиргача, энг кўп тарқалган хизмат парадигмал концептуал таҳлили 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда хизматнинг асосий хусусиятлари бўйича гуруҳланишида, ҳам хизматнинг энг кўп турлари номоддийли эканлиги кўриниб турибди.

Хизматнинг кундан кун мураккаблашиб, замонавий сервисга ўтишини, унинг синергетик хусусиятга эга эканлигини, нафақат бир, балки бир неча хусусиятли эканлигини ҳозирги вақтда олимлар томонидан тўлиқ англанилмаяпти. Чунки, Л.Беррининг таъкидлашича, охириги йиллар изланишлари асосан хизматни баҳолашга ва ким қандай методикани қўллашига бағишланяпти.¹⁵

Шулардан келиб чиқиб, К.Лавлок ва Э.Гамессон хизмат парадигмаларининг изланишида қуйидаги алтернатив вариантларни таклиф этди:

- хизмат ва товар бўлинишидан воз кечишни;

¹³ Гранросс К. Маркетинг отношений диапазон стратегий /Маркетинг услуг/ 2006 г. №4

¹⁴ Пасечникова Л.В. Маркетинговое управление и маркетинговые технологии в сфере услуг. М.: 2006 г.

¹⁵ Berry Leonardo Servis Marketing Self Portraits:Jutrospection, Reflection and Glimpses from the Experts. Chicago:AMA, 2000y.

- барча хизматларни умумий меъёрий остида қарашдан воз кечиб хизмат турларини алоҳида изланишини ташкил этишни;
- хизматнинг товардан фарқ қилган асосда янги тавсифини излашни.

1.1.-жадвал

Хизмат парадигмал концептуал назарий таҳлили

Концепция муаллифлари	Чиканган даври	Парадигмалар элементи ва концепциялар муаллифларининг баҳоси	Асосий хусусият-
Д.Сей	1964	Ишлаб чиқариш ва истеъмолини бир вақтда бўлиш концепциясини таклиф этиб, биринчи бўлиб бу терминни қўллади	Номоддий
Л.Шостак	1977	Товарлар ва хизматларни худди молекулалардан таркиб топган дискрет элементларнинг бирлашишидан келиб чиққанлигини таклиф этди. Элементлар моддий ва номоддий бўлиши мумкин.Биргаликда моддий ва номоддий ядро ҳосил қилиши мумкин.	
Д.Бейтсон	1979	Номоддий физикавий (қўл текизиб бўлмас) ва менталли (тафаккур билан етишиш бўлмас) номоддийга ажратди	
Г.Мак-Дугалл Д.Снетсин-гер	1990	Маҳсулотни сотиб олгунга қадар визуаллантириб, ёрқин ва аниқ образини конструкциялаб, ментал номоддий даражаси сифатида тушунчасини аниқлаштирдилар	
П.Хилл	1999	Хизматнинг номоддийлигини нарсаси ёки моддий эмаслигини таъкидлашни танқид қилди, чунки уларнинг қанчалик илмий эмаслиги ва шунчалик фарқли умумқабул қилинганлиги	
В.Цайтамль	1990	Хизмат сифатининг беш параметрларидан бири бўлган «Материал гувоҳномасини»	

А.Парасурама Л.Берри		(иморатнинг ташқи кўриниши, жиҳози, компания ходимлари, реклама материалларини расмийлаштириш) хизмат материал таркибий сифатида қарашни таклиф этишди	
К.Лавлок Э.Гамессон	2004	Барча хизматлар учун «номоддийлик» тавсифини «хайратли даражада аниқ бўлмаган» ва универсаллигини ёритолмайдиган лаёқатсиз деб билади.	
К.Лавлок Э.Гамессон	2004	Хизмат соҳасидаги меҳнат натижасини материал узатувчиларда сақлаб қолиш мумкинлигини (аудио ва видеоузатувчиларга ўргатувчи дастурларнинг ёзилиши) таъкидлайди	Сақланмас
К.Лавлок Э.Гамессон	2004	Ушбу тавсиф (бўлинмаслик) қуйидаги: юк ташиш, тозалаш ва йиғиштириш, таъмирлаш хизматлари ва х.к.ларга хизматларга тарқалмайди (тўғри келмайди)	Бўлинмас
П.Элье Э.Ланжар	1975	Агар мижозлар хизмат ишлаб чиқариш жараёнига фаол иштирок этилган бўлсалар, унинг (хизматнинг) сифатини назорат қилиш қийинлашишини белгилашди	Бир хил бўлмаган (вариабелли)
Е.Сассер П.Ольсен Д.Уайкоф	1978	Хар бир хизмат кўрсатганда бир хил натижа олиш қийинлигини, чунки хизмат кўрсатувчиларнинг ўзини тутиши ва меҳнатининг самараси ҳар хиллиги, худди шундай бир ходимнинг турли мижозлар билан турли вақтда бўлишини кўрсатиб берди.	
Десмет	1998	Хизматлар вариабеллигини тасдиқловчи таш-	

Б.ВанЛоой Р.ВанДьердонк		қи шартларини (обу-хаво, навбатнинг булиши, бўлмаслиги, хизмат кўрсатиш жойларининг фарқи бўлишини) ажратишди.	
----------------------------	--	--	--

Албатта, бундай таклиф замон талабларидан келиб чиқган ҳолда хизматнинг кўпгина соҳаларини янада ривожлантиришни, унинг глобаллик хусусиятларини келтириб чиқаришдан иборат эди. Ўтган аср 90 йилларидаги “Интернет ва CALS – технологияси”нинг, айниқса, маркетинг хизматининг тобора ҳаётга чуқурлашиб кириб бориши, юқоридаги фикрнинг ҳақли равишда қўйилганлигини тасдиқлайди. Масалан, Европа ва америкалик олимлар маркетинг хизматининг эволюцион ривожланиш тарихини таҳлил қилиб: «маркетинг хизмати бозорида хизмат товардан фарқ қилади» деган концептуал парадигмани олдинга қўйиш билан муваффақиятли ривожланди. Биз йигирма йил шу билан олдинга ҳаракат қилдик, лекин эндиликда ривожланиш учун янги энергия ва янги йўналиш зарурлиги билиняпти деб таъкидлашмоқда.

К.Лавлок ва Э.Гамессон таклифларни таҳлил этиб, И.В.Христофорова (Т.Левитнинг «Биз ҳаммамиз хизмат сферасида ишлаймиз»¹⁶ ёки Р.Норриснинг «хизмат кўрсатиш учун товарлар керак бўлади»¹⁷ деган фикрларига асосланиб, хизматнинг махсуслигини эътироф этиш, унинг оммавийлик парадигмасини оширади деб кўрсатди. Худди шунингдек, изланишда хизматнинг янги тавсифини, унинг назарий асосларини ҳамда методларини қайта кўриб чиқишни тақозо этишни ҳам таъкидлайди.

Қайта кўриб чиқишда каттиқ танқидга учраган парадигмаларни «қайта кўришга» тўғри келади ва натижада унинг асосий назарияси ва «қурилиш» методлари ва ундан ҳосил бўладиган натижалар ўзгаради.

К.Лавлок ва Э.Гамессон илмий изланишидан шу маълум бўлдики, маркетинг мисолида хизматни универсал парадигмаси – унда мулкчилик ҳуқуқи бўлиши ва бу келгусида хизмат соҳасининг кейинги ривожланишига ижобий параметрларини келтириб чиқариши мумкинлигини эълон қилишди.

¹⁶ Leoit Theodore / Productoon Line Approach to Service// Harward Business Revieve/ 50/ 1979 e/

¹⁷Norsis Ruby T/ The Theory of Consumers Demand. New Haven ct/ Yale Uniniversity Press? 19412 y

Бунда мижоз-хизматни сотиб олиш билан мулкый ҳуқуқни олмайди ва қандайдир ижара ҳуқуқини (жисмоний объектни персоналнинг меҳнатини ва тажрибасини, техникавий воситалардан, ахборот тармоғидан ва ҳ.к.) қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Шундан келиб чиқиб хизматнинг қуйидаги классификациясини таклиф этишган: 1. Товарларни ижара қилишга боғлиқ (энг аввал прокат ва лизинг) хизматлар. 2. Жой, майдон ижарасига боғлиқ (бинолар, транспорт, ресторан, кинотеатр ва ҳ.к) хизматлар. 3. Меҳнат ва тажриба ижараси билан боғлиқ (йиғиш хизматидан то тиббиётгача) хизматлар. 4. Объект, иншоотлар қуриш билан боғлиқ (музейлар, косметик салонлар, хордиқ чиқариш масканлари ва ҳ.к) хизматлар. 5. Турли тармоқларга боғлиқ (телекоммуникация, банк структураси, суғурта ва ихтисослашган ахборот) хизматлар.

Хизматларни бундай таснифланишида айрим гуруҳларнинг бир бирига ўхшашлиги, бир-бирига ўтишини, ҳатто алмашишини сартарош хизматида кўрсатиб беришди. Бунга биноан: сартарош хизмат кўрсатишда махсус жиҳозларни қўллаш билан биринчи; жойни ижарага олганлиги, мижоз ўтириш ўриндиғи билан қўшилиб; иккинчи: маълум тажрибага эга эканлигини, учинчи; сартарошхона иншоотига кириш мумкинлигини, тўртинчи сартарошлар тармоқ тузилмасига кириши билан бешинчи гуруҳга ҳам киритиш мумкин. Шу билан бирга, ижара шаклидаги хизмат, хизмат кўрсатиш соҳасининг базали парадигмаси бўлмаслиги, бўлганда ҳам ўзининг ҳуқуқий ва молиявий параметрларига эга бўлган ижара тушунчасини ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Умуман олганда бундай мулоҳаза ҳам универсал эмаслигини тушуниш қийин эмас.

Охирги йилларда ўтказилган тадқиқотлар ҳақли равишда хизматнинг-жараён эканлигини таъкидлаб келмоқда. Хизмат жараёнида маълум кетма-кетликда ҳаракатлар ёки операцияларнинг бажарилиши «...хизмат кўрсатиш жараёнлар сценарияси» эканлиги «хизматлар театридаги сервис жараёнларда

мижозлар билан алоқада бўлиш»¹⁸, «...хизмат - ҳаракатни билдиради»¹⁹ деб кўрсатиляпти.

Худди шунингдек, хизматнинг маркетинг хизмат соҳасидаги «4 Не» парадигмасидан (номоддийлик, сақланмаслик, бўлланмаслик ва бир хил эмаслик) ташқари мавжуд етти моделидан тўрттасида маркетинг хизматини жараён эканлигини таъкидлайди.

Жумладан, Д.Ротиел моделида: хизмат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи орасидаги ўзаро ҳаракат жараёни деб, П.Энглис ва Е.Ланпард моделида: хизмат истеъмолчига кўринувчи ва кўринмас бўлиши ва кўринувчи қисми эса энг муҳими бўлиб алоқада бўлиши, персонал томонидан хизмат кўрсатиш жараёни эканлигини; Скандинавия моделида эса интерфаол маркетинг истеъмолчи ва хизмат персонали ўртасидаги ўзаро муносабат жараёни деб; К.Лавлок моделида ўзаро маркетингдаги ишлаб чиқиш ва реализация этиш самарали технологик жараён эканлиги кўрсатилган. Юқорида келтирилган хар бир моделда хизматнинг номоддийлик парадигмасига тўғри келиши ва хизмат кўрсатиш жараёнини ҳал қилувчи элемент сифатида қаралишини кўрсатади. Фақат Г.Л.Шостак моделида²⁰ хизмат тушунчасини моддий товар ва қўшимча сервис жараёни боғлиқлигида ифодалайди. Унинг концепциясига асосан И.В.Христофорова, А.А.Федулин сервис парадигмасида хизмат бу уни кўрсатиш вақтида истеъмол қилинувчи ва алоҳида буюртма асосида товар ишлаб чиқаришга йўналтирувчи жараён эканлигини кўрсатиб беради. Бунга асосан охирги маҳсулот асосий хизмат кўрсатиш, қўшимча сервис ва товарлар комплексидаги кўринишида ифодаланади.

Кўриб чиқилган кўпгина концептуал таҳлилдан хулоса қилишдан олдин мақсадга мувофиқ шуни айтиш керакки, охирги 10 йилда юртимиз олимлари томонидан ҳам бу йўналиш бўйича кўпгина ишлар бажарилган.Бу

¹⁸Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегии пер.с англ. 4-е изд. М.: Издательский дом «Вильямс» 2005 г.

¹⁹Лавлок К. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегии пер.с англ. 4-е изд. М.: Издательский дом «Вильямс» 2005 г.

²⁰ Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная практика, предпринимательство менеджмент. Учебное пособие – М.: АО Издательство, Аспект Пресс 2004 -318 стр Шостак Г.Л, Как вырабатываться из границ маркетинга товаров / Маркетинг услуг «2 2006 г.

ишларда ҳам асосан “хизмат” ва “сервис” тушунчаларига изоҳлар берилиб турли фикрларни билдирилган. Масалан: хизматнинг “жараён” ҳамда “онгли фаолият”²¹, “Хизмат дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтириладиган онгли кўрсатилиши мумкин бўлган фаолияти тушунилади”²², деб; “хизмат ибораси бировнинг ишини бажариш, яхшилик қилиш, яхшилик ва ҳ.з.²³ билдирса, унинг “неъмат”²⁴ эканлиги таъкидланса, хизмат кўрсатишни эса “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандчилигига, умуман ишлаб чиқариш куларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”²⁵, “инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”²⁶ деб турли кўринишда тушунча ва таърифлар берилган бўлса, сервисни эса “сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)”²⁷, “”сервис” инглизча service” сўзидан олинган бўлиб, “аҳолига маиший хизмат кўрсатиш”²⁸, “инг. тилида service хизмат, кундалик турмушнинг хилма хил соҳаларида магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва ш.к.да аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи”²⁹ ва “инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва

²¹ Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Дарслик Т.: 2000 йил, 272 бет., 86.

²² Очиллов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати 2010 й 9 бет.

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати .Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти 2008, тўртинчи жилд 606 бет., 395 396 бет

²⁴ Пардаев М.Қ., Мусаев Х.Н. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. “Иқтисод молия” 2008 йил, 254 бет

²⁵ Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устивор масала” Servis Ilmiy ommobor jurnal №1, 2009 й, 53 б.

²⁶ Мирзаев Қ.Ж. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослар” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 2726. 496 бет

²⁷ Русча ўзбекча луғат. 2 том Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984. 410 б.

²⁸ Словарь иностранных слов. 16 е из., испр. М.: Рус. яз., 1988. с. 461

²⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2008 й, учунчи жилд 6876., 4836.

андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолият”³⁰, “хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакаи ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирилган соҳадир”³¹, ”замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳа ва субъекларида инсонларнинг юзага келадиган истеъмол талабларини таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган турли хил хизматлар мажмуини ифодаловчи тушунчадир”³² ва ҳ.к. деб тушунтирилади.

Албатта, биз бу ерда турли шакллардаги, лекин “ўзаги” юқорида келтирилган иборалардан тузилган тушунчаларни кўрдикки, аксарият ҳолатда буларда ҳам хизмат, хизмат кўрсатиш, сервисни тушунтиришда ҳаракат, фаолият, яхшилик қилиш, соҳа иборалари кўпроқ учрайди.

Ушбу тушунчаларда уларнинг ҳар бирига алоҳида таърифлар берилиб, аммо уларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир биридан эволюцион ҳамда келиб чиқиши кўрилмаган. Худди шунингдек, ҳар бир тушунча бу ўз исботини топган ёки топиши керак бўлган инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб жамият ва кишиларни ҳаракатга чорлайдиган мақсад, муддао сари етаклайдиган тушунарли фикр³³ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳаётимизга кундан кунга жадал суръатлари билан кириб келаётган сервисни оддий жараён, фаолият, ҳаракат, соҳа ва ҳ.з. деб билиш, сервиснинг умумий синергетик хусусиятини, яъни ўзининг моҳияти билан бир вақтда ижтимоий, иқтисодий ва табиий қонунлар асосидаги соҳа, жараён, фаолият эканлигини тушунишимиз лозим.

Юқорида келтирилганларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, биз доимо «хизматнинг бирор бир хусусиятини алоҳида ўрганамиз ёки унинг бошқа


³⁰ Пардаев М.Қ. ”Хизматларнинг ижтимоий иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” *Servis Ilmiy ommobor jurnal* №1, 2009й, 39-40 б.

³¹ Б.Абдукаримов., Т.С.Шарипов., Ф.Абдукаримов. Хизматлар ва сервис соҳаларининг моҳияти, самарадорлигини ошириш ҳамда фаолиятини такомиллаштиришни илмий назарий ва амалий масалалари. ”Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолари ва ривожланиш истикболлари” мавзусидаги республика илмий амалий анжумани. (Самарқанд 2010 йил, 6-10 апрел, 256)

³² Мирзаев Қ.Ж. ”Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослар” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012й. 272б. 50бет.

³³ Фалсафа. Қонуний луғат. Тошкент 2004й

субъектлардан нима билан фарқ қилишини қидирамиз ва охир оқибат туришини ифодалаймиз. Агар биз, К.Лавлок фикрига қўшилиб, хизмат ва товарни бўлишдан воз кечиб, ҳар бир хизмат турларини алоҳида қарашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ десакда, аммо хизматлар умумий бир меъёр остида қарашдан воз кечишга қўшилолмаймиз. Худди шунингдек, хизмат, хизмат кўрсатиш, сервиснинг алоҳидалигини кўрсатиб, шу билан бирга хизматдан, хизмат кўрсатишга, ундан сервис ва яна хизматга ўтиш схемасини (расм-3,а) таъкидлаш ҳам мантикий фикрни тугатмайди. Лекин кўпгина олимлар фикри хизматни жараён деб таъкидлашлари хизмат таърифини муаммосини бирмунча тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.



1.3.-расм . Хизмат, хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларининг бир - бирига боғлиқлик схемаси.

Агар биз инсоният тарихида хизмат, хизмат кўрсатиш, сервиснинг эволюцион ривожланиш йўлига назар ташласак, хизмат ва хизмат кўрсатиш қадим-қадимдан (хизматчи, қул, ёрдамчи, ҳаммол ва х.к.) кўп йиллар давомида жамиятда паст мавқеъда қаралиб, ҳозирги вақтга келиб синергетик хусусиятга эга бўлган ҳаётдаги муҳим соҳалардан бири бўлиб ҳисобланяпти. Шунинг учун ҳам, бунга биз фақат иқтисодий эмас, балки фалсафий ёндашув билан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Бунинг учун боғлиқлик системасини аввал хизмат – хизмат кўрсатиш – сервис деб қабул қилишимиз лозим (расм-1.3.б). Шундан сўнг хизматни фалсафий категория сифатида қараб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас балки инсоният жамиятининг ривожланишига раванқ топишига қаратилган ҳаракат деб, хизматнинг қуйидаги

янги таърифни берамиз: хизмат – инсон(лар)нинг инсон(лар)га яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракатидир.

Берилган таърифдан шу кўриниб турибдики, хизмат – инсоният жамиятида бўладиган махсус ҳаракатки, унинг бажарилишида албатта фалсафий категория ҳисобланган инсоннинг инсонга яхшилик қилиши ҳаракатида эзгулик нияти бўлиши учун шу билан бирга ҳар иккала томонга ҳам манфаат келтиришни таъминлаши зарур. Яхшилик, эзгулик инсоннинг энг муҳим фазилати бўлиб, инсон фаолиятининг асл ва азалий моҳиятини англатади.³⁴

Хизматга шундай парадигмал таърифни беришдан мақсад, хизматга бўлган муносабатни ўзгартириш, у асос бўладиган барча соҳаларда жамиятнинг ахлокий юксаклигини, фаровонлигини, тараққиётга тезроқ эришиш йўлидаги хизматда хушфەълликни, ширинсуханликни, ҳалолликни, бағрикенглик сингари фазилатларни сингдириш, жамиятда яхшиликни, эзгуликни устувор бўлишини таъминлаш ҳисобланади.

Энди хизматни фалсафий ўзак сифатида олиб, унинг жамиятдаги инсонларнинг бир-бирига бўлган турли хилдаги хизмат муносабатини иқтисодий намоён бўлишини хизмат кўрсатиш деб билиб, унинг таърифни қуйидагича ифодалаймиз: хизмат кўрсатиш бу – инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади. Яъни, хизмат кўрсатишда, хизмат иқтисодий фаолият билан биргаликда олиб бориш талаб этиляпти.

Агар биз хизмат ва хизмат кўрсатишни бир-бирига нисбатан ажратиб турувчи инсон фаолиятни ўз ичига мақсад, восита ва натижа олиш учун инсоннинг теварак- атрофга ва ўзига бўлган махсус муносабати жараёни (ҳаракати) десак, хизмат кўрсатишда фаолият олиб боришдан, албатта, ҳар иккала томон манфаатдор бўлиши керак: хизмат кўрсатувчи даромад, фойда олиш, истеъмолчида эса хизмат сарф – харажатни бажариб кўрсатилган хизматдан мамнун, рози бўлиш мақсади туради. Ушбу фаолият тури хизмат

³⁴ Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. – Ж.«SERVIS», №1. 2009. 56-64 б.

кўрсатиш корхонаси, уюшмаси, ташкилоти, фирма ва х.к. сифатида ташкил этилиши ҳамда индивидуал бўлиши ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатиш фаолияти ўз ичига хизмат воситалари, маҳсулотларни яратиш бўйича изланишлар ва тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, сотиш ва бошқаларни қамраб олади. Ўзида ҳам фалсафий ўзак бўлган хизматнинг, иқтисодий – ижтимоий хусусиятли хизмат кўрсатишни қамраб олган, замонавий талабларга жавоб берувчи сервисда юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш тушунилади. Унда унинг таърифини қуйидагича кўрсатиш мумкин: сервис – инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан юқори малакада замонавий воситалар ёрдамида комплекс (бир вақтнинг ўзида бир нечта хизматларни кўрсатиш) фаолият олиб боришга айтилади. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида илмий ва амалий тадқиқот объекти сифатида фаолияти асосан хизмат кўрсатишга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ҳисобланган умумий овқатланиш корхоналари олинди. Илмий тадқиқотларда таъкидлаганидек, умумий овқатланиш корхоналари хизмат соҳасидаги корхона бўлиб, асосан уч функция бажарилади: тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни тарқатиш (тақсимлаш, муомалага чиқариш) ва истеъмолини ташкил этиш. Ушбу функцияларнинг охириги иккитаси: тарқатиш ва истеъмолини ташкил этиш хизмат фаолиятига киради. Умумий овқатланиш корхоналари, шу билан биргаликда инсонларнинг турли хилдаги ва рационал овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини ҳам бажарадики, бундай хизматларни бажаришда корхоналарнинг техникавий таъминланганлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Сервис амалиётида икки томоннинг ўзаро муносабатда бўлиши талаб этилади. Бир томондан турли хилдаги малакали меҳнат, бизнес ва бошқарувнинг талабини бажариб, хизмат кўрсатиш, хизмат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ихтисослашган тузилмаси туради. Иккинчи томондан, ўзларининг

эҳтиёжларини ва муҳтожликларини қондиришдан келиб чиқган истеъмолчилар талаби туради. Бунда, хизмат кўрсатувчилар ёки хизмат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг иқтисодий бўлмаган, ўзларининг қизиқишлари, ҳиссиётлари ва қадриятлари, хоҳишларидан келиб чиқиб аниқ талаблари билан юзма-юз туради. Хизмат кўрсатиш ва сервиснинг юқорида келтирилган назарий таҳлилидан келиб чиқган ҳолда овқатланиш корхоналари мисолида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун уларни модернизациялашнинг объектив заруриятини борлигини таъкидламоқчимиз

1.2.Сервис корхоналарини модернизациялаш ва самарадорлигини оширишда модернизациянинг объектив зарурияти

Юқорида ишлаб чиқилган таърифимиздан, хизмат кўрсатиш бу инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб боришни таъкидлаган эдик.Хизмат кўрсатишни модернизация йўли билан сервислаштирилганда, айнан, сервис - инсон(лар)нинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида кўрсатиладиган комплекс (бир вақтнинг ўзида бир неча хизматларни кўрсатиш) фаолият олиб боришига берган таърифимиз тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таклиф қилинаётган сервис таърифини моҳиятини ва ундан келиб чиқарилган вазифаларни аниқлаш учун биз уни таркибий жиҳатдан қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- инсон(лар)нинг яхшилик йўлидаги ҳаракати;
- манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати,яъни фаолият олиб бориши;
- юқори малакада замонавий воситалар ёрдамида комплекс фаолият олиб бориши.

Демак, булардан келиб чиққан ҳолда сервис соҳасидаги корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун

- ижтимоий- маданий модернизациялаш;
- иқтисодий модернизациялаш;

- интеллектуал ва техник технологик модернизациялашни бажариш зарурияти талаб этилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” деган Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузасида:”....корхона рақобатбардошликга эришиш ва дунё бозорига чиқиши...юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш мумкин” деб таъкидлаган. Демак, сервис соҳасидаги корхоналарни ижтимоий маданий модернизациялашда, авваламбор ижтимоий шароит, яъни юртимизда ўзинининг динамик ижтимоий тизими билан очик демократик жамиятнинг бўлиши ва унда бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиши, ҳуқуқий тизимининг, мулкчилик муносабатининг, демократик тизимнинг бўлиши ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда “Ўзбек модели” асосида сервиснинг ривожланишини кўриб чиққанимизда (ушбу масала 1.3& батафсил ёритилади), айнан, модернизацияни ижтимоий шароити яратилганлигига амин бўлганмиз. Айниқса, муносабатларда формал тизимнинг ва ўз ўзини бажарувчи ,бошқарувчи институтларнинг бўлиши ва уларнинг ташкил этилиши, яъни ҳуқуқий ҳужжатларнинг, қонунлар, шартномалар, низомлар ва х.з. бўлиши фикримизни яна бир бор тасдиқлйди. Сервиснинг маданий модернизациясида, корхонада инсонлар муносабатида, айниқса, корхона персоналинининг истеъмолчилар билан бўладиган ўзаро муносабатда миллий кадриятларимиз ҳисобланган яхшилик, эзгулик ҳисларидан келиб чиқган фаолият тушунилади. Шунинг учун унинг таркибий қисми бўлмиш касбий этика, этикет, эстетика қоидаларига амал этиш талаб этилади. Хизмат кўрсатиш, сервис корхона фаолиятида ушбу ахлоқий қоидалар ўзаро муносабатлар, ёзма ҳуқуқий қоидалар, шартномалар шаклида расмийлаштирилиши талаб қилинади. Бунда бошқарув, ўз-ўзини бошқарув, ижтимоий бошқарув органларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маданий модернизацияда маданий тизим асосий элементларини дифференцияциялаш, ўқимишлилик ва олижаноблик таълимини тарқатиш, замонавий фан ва технологиялар ютуқларига ишончни ривожлантириш, муносабатда махсус ролларни бажариш учун мураккаб, интеллектуал ва институционал тайёрлов тизимини барпо этиш, кенг оммага мос янги шахсий ички имкониятларидан фойдаланишни, одатларга ва тавсифларга мослаштириш; қизиқиш доирасини кенгайтириш, ҳар бир шахснинг манфаатини рағбатлантирилиши ишонч ҳосил қилиш, доимий ўзгариб алмашилиб турувчи муаммо ва талабларга мос келувчи институционал таркибни ривожлантириш ишларининг бажарилиши лозим бўлади.

Иқтисодий модернизациялашда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни жадаллаштириш кўзда тутилади. Бунда меҳнат дифференцияциясига, ишлаб чиқариш энергетик жиҳозларига, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ бошқарувини амалга ошириш лозим бўлади. Унинг асосий инсон кучини энергия кучига (пар, электр атом ва ҳ.з) айлантириш; одатий анъанавий фаолиятдан иқтисодий фаолиятни ажратиш, меҳнат қуролларини мураккаб технология ва машиналар билан алмаштиришни; иқтисодиётда саноат ва савдо, хизмат соҳаларига бўлган муносабатни ҳам миқдорий ва ҳам сифат жиҳатдан ўзгартириш; иқтисодда ихтисосликни (ишлаб чиқариш, истеъмол ва тақсимлаш) кластерларини ошириш; индустрлаштиришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда товар ва пул муомаласи, меҳнатга талаб ва мажбурияти, миллий ва трансмиллий муносабатларини ривожлантириш лозим бўлади. Шунингдек мунтазам равишда иқтисодий бошқарув методлари, ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириб борилиши талаб этилади. Фан ва технологиялар ютуқларини ишлаб чиқаришда доимий қўллаб борилиши фанни ишлаб чиқариш кучига айлантиришни талаб этилади.

Модернизация иқтисодиётнинг асосий тавсифи, бу инновацион жараёнларни жадаллаштириш ва уни иқтисодий ўсишнинг асосий омилларига

айлантириш ҳисобланади. Иқтисодий модернизациянинг объектив ва субъектив омиллари мавжудки, улар модернизация стратегиясини белгилайди.

Иқтисодий модернизациянинг объектив омилига: фойда олиш ва фойдани ўзлаштириш; баҳолаш, талаб ва таклиф, рақобатчилик кирса, субъектив омилига эса давлатнинг инновацион ва пул кредит сиёсати, рақобатчи корхоналар стратегияси, истеъмолчиларнинг ҳолати ва ҳ.з.киради. Албатта, ушбу объектив ва субъектив омиллар ўзаро координациялашади ва бир бирига таъсир этиб умумий инновацион стратегияни белгилайди.

Модернизация йўли билан ишлаб чиқариш комплекс ва юқори самарадорлик билан янгиланади. Бунда нафақат ишлаб чиқариш маҳсулотларини, балким ишлаб чиқариш техника технологиясини, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштиришни умуман барча иқтисодий муносабатларни ўзгартириш лозим бўлади.

Юқорида келтирганимиздек, модернизация объекти сифатида ишлаб чиқаришда корхонадаги техника ва технологик даражасини ошириш иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва бошқарув аспектларини ўз ичига олсада, вазифаси кўйилади. Чунки, корхона асосий фондларининг янгиланиши унинг келгуси ишларида турли хилдаги техника носозлигини, технологияни, жиҳозлар ва машиналарнинг эскиришини олдини олиб, замонавийлигини таъминлайди. Шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

1.3. “Ўзбек модели” асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервиснинг ривожланиш ҳолати ва келажаги

Истиқлолнинг 20 йиллик даврида улкан тарихий ўзгаришлар юз бердики, бунинг кўламида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққиёт сари дадил ривожланиб келмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо

этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради»³⁵.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларини эслаганимизда, авваламбор, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинганлиги, барча жабҳаларда ҳозирга келиб, ўзининг тўлиқ исботини топганлигини ва Ўзбекистонда турли соҳаларнинг ривожланиши билан бир қаторда аҳолини кенг қатламининг хизмат соҳасига эътибори қаратаётганлигини «Ўзбек модели» асосида хизмат кўрсатишнинг такомиллашиб ҳаётга кириб борганлигини кўришимиз мумкин.

1993 йилда нашр этилган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида И.Каримов янги жамият қуришнинг беш тамойилини асослаб берди³⁶:

- иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларига мувофиқ ривожланиши;
- давлат бош ислохотчи, иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори;
- қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг баробарлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсунishi;
- бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги;
- бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма – босқич ва изчил равишда ўтиш, ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Тараққиётнинг «Ўзбек модели» бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган (“Рейгономика” АҚШ, “Тетчеризм” Англия, «Маршал» режаси “Турк йўли”, “Япон муъжизаси”, “Эрхард ислохоти” Россияда 500 кунлик дастур ва ҳ.к.) моделларнинг биронтасини такрорламаган ҳолда ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан бутунлай янги тараққиёт модели бўлиб, ҳозирги кунда халкимиз

³⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» Т.: Ўзбекистон, 2007й

³⁶ Каримов И.А. «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» - Т.: Ўзбекистон

томонидан ҳам, халкаро майдонда ҳам иқтисодиёт тараққиётининг «Ўзбек модели» деб қабул қилинди.

Чунки, «Ўзбек модели» бошқа тараққиёт моделларидан фарқли ҳам иқтисодий, ҳам миллий кадриятларнинг тикланиши ва ижтимоий модел бўлиб, халкнинг ўзлиги ва ғурурини қайта тиклаш, ривожлантириши, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини тубдан янгилашга ва мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун мутлақо янгича фикрлаб, янгича иш юритишга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, «Ўзбек модели»да минг йиллаб халкимиз истаги бўлган, шу заминда 3000 йил муқаддам яратилган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал»³⁷ ва халкимизнинг муқаддас китоби Куръони Каримнинг 11та сурасида, 15та оятида, ҳадисларнинг 20тасида инсоннинг инсонга яхшилиқ қилишига даъват этилган инсонпараварлик хусусияти сингдирилган. Мустақиллик даврида «Ўзбек модели» асосида бажарилган барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»³⁸.

“Ўзбек модели”нинг айнан шу мақсадда яратилганлигини ва ҳаётда ўз тадбиғини топаётганлигини биз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланишида кўришимиз мумкин.(1.3.1- жадвал).

1.3.1.- жадвал

**“Ўзбек модели” асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг
ривожланиши**

Т/ р	Ўзбек моделининг тамойиллари	моҳияти	Хизмат кўрсатиш, сервис соҳасининг ривожланганлиги натижаси
1.	Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш	Иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиб, ўзига хос ички қонунларига	Собиқ иттифок мафкурасидан: фақат ишлаб чиқаришга тобе соҳа ёки фақат маиший хизмат

³⁷ Махмудов Т. «Авесто хакида» .Т.: «Шарк» 2000 й, 63 бет.

³⁸ Каримов И.А.»Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида»- Т.: «Ўзбекистон» 1995й, 119бет.

		мувофиқ ривожланишига қўйиш	кўрсатиш дейилишидан холи бўлди, эркин ривожланишга ўтди, кўп укладли иқтисодиётга ўтди
2.	Давлат бош ислохотчи	Давлат барча иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори бўлишига эришиши	Хизмат кўрсатиш, сервис ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ривожлантириш устувор вазифаси деб қабул қилинди. Мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамаси Президент қарорлари билан ривожланиш давлат миқёсига кўтарилди.
3.	Қонун устуворлиги	Қонун олдида ҳамманинг баробарлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсинишини амалга ошириш	Мулкчилик Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уй-жой фондини хусусийлаштириш, хўжалик юритишни тартибга солувчи қонунлар, ташқи иқтисодий фаолиятни белгиловчи ҳуқуқий нормалар ва ҳ.з. ларни қабул этилиб, қонун устуворлигини, унинг ҳаммага баробар эканлиги кафолатланди.
4	Кучли ижтимоий сиёсат юритиш	Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичида аҳолининг муҳтож табақаларини ҳимоялаш устуворлигини таъминлаш	Қулай иқтисодий молиявий шароит яратиш, иш ҳақининг мунтазам кўтариб бориш, соҳа кадрларини бепул тайёрлаш, инфляция даражасини пасайтириш, турли хилдаги имтиёзлар яра-

			тиш, солиқ юкини камайтириш, мухтож табакаларни ижтимоий ҳимоялаш тамойилига риоя этилди.
5.	Бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш	Ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш	1 босқич хизмат тизимини ислоҳ қилиш, мафкурадан холи бўлиши, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш 2 босқич хизмат кўрсатиш, сервис тизимини ривожлантириш учун ижтимоий иқтисодий шароит яратиш 3 босқич мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантириш истиқболларига хизмат кўрсатиш, сервис тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш

Ўзбекистон иқтисодиётини авваламбор Собиқ иттифоқ мафкурасидан холи этиб, кейинги ривожланишида сиёсатдан устун қўйиб ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланишга қўйилиши сабабли ривожланган давлатлар иқтисодиётида аллақачонлар ўз ўрнини муваффақиятли топган хизмат кўрсатиш ва сервис бизнинг иқтисодиётимизга ҳам жадал суръатларда кириб келмоқда. Дунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда соҳалар ҳиссаси бўйича нисбати ³⁹, ⁴⁰, ⁴¹ шуни кўрсатадики, 2005 йил ҳолати бўйича ғарб давлатларида хизмат соҳаси ўртача ЯИМнинг 62-74% (АҚШда

³⁹ Қурбонов Ж.М., Қурбонова Р.Ж., Файзиев Ж.С., - Сервис парадигмаси – Самарканд, ж. Сервис. №3 – 3-14 бет

⁴⁰ Федюлин А.М., Платоков Н.А. и др. Концептуальные и методологические аспекты формирования сервисологии – науки синергического типа – М.: Собрание 2008 г – 65-68 г

⁴¹ Мировая экономика; прогноз до 2020 года / под редакцией А.А. Дынкина – М.: 2007 г

83%) бўлиб, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг ўртача 63-75% қамраб олганда, Ўзбекистонда 10-15% ни ташкил этган эди.⁴² Айнан «Ўзбек модели»нинг Ўзбекистон иқтисодиётига жорий қилиниши ЯИМ охириги 10 йилда ўртача 6-7% ўсган ҳолатида, хизматлар кўрсатишнинг ундаги 2012 йили 52,5%га етди. (1.3.2- жадвал).

Собиқ иттифоқ мафкураси бўйича хизмат кўрсатиш соҳаси фақат ишлаб чиқаришга тобе соҳа деб қараларди ва унинг функциясига навбатдаги меҳнат бўлиниш фазаси бўлган аҳолига фақат маиший хизмат кўрсатиш инфраструктурасини келтириб чиқариш қўйилган эди. Худди шу вақтда иқтисодиётдаги секториал бўлиниш ифодаланиб: биринчи –қишлоқ хўжалиги, иккинчи-саноат, сўнгра ўз ичига савдо, транспорт, банк ишлари, администрацияни ўз ичига олган. “Хизматлар” учинчи секторга ажратилдики, бундай ҳолатда иқтисодий моделларда учинчи секторнинг муҳимлиги эътиборга олинмади. Шунинг учун ҳам бу соҳа иқтисодиётда иккинчи даражали бўлиб нафақат режаларда, ҳаттоки статистик маълумотларда ҳам алоҳида киритилмас эди ва унинг маъноси изоҳли –луғатларда «сервис –инглизча сўздан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» деб кўрсатилган⁴³. Натижада халқнинг турмуш ва фаолият шароитлари, бошқа ривожланган давлатларникидан сезиларли даражада пасайиб кетди

Иқтисодиётнинг мафкурадан холи этиш ва кейинги ривожланишда эркинлик бериш билан хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси ривожланиб, кўплаб сервис корхоналари вужудга келтирилди. Иқтисодиёт назариясида эса «глобал сервис кенглиги», «дунё ва миллий иқтисодиётнинг сервисизацияси», «хизматлар янги иқтисодиёти» «сервис типдаги иқтисодиёт» ва х.к. тушунчалар келиб чиқа бошлади. Сервис даражаси ривожланган давлатларда, ҳозирги постиндустриал жамиятда сервислаштириш «постиндустриал жамият», «инновацион турдаги жамият», «ахборот жамияти», «билимлар жамияти» каби илғор ва истиқболли жамият ривожланиши сектори қаторида қаралапти.

⁴² Ўзбекистон Республика Президентининг «Ўзбекистон Республика 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги Қарори.


⁴³ Словарь иностранных слов.-16-е из.испра.-М.:Рус.яз.1988-461 бет

Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичларининг ривожланиш тенденцияси.

		2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1	ЯИМ а) млрд сўм	3255,6	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15923,4	20759,9	281186,0	38969,8	48097,0	61831,2
2.1	Саноат %	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	21,1	21,8	21,0	23,5	23,6	31,9
2.2	Қишлоқ хўжалиги %	30,1	30,0	30,1	28,4	26,4	26,3	25,1	23,2	19,7	18,2	25
2.3	Қурилиш %	6,0	5,8	4,9	4,7	4,8	4,8	5,1	5,9	5,6	7,4	8,1
2.4	Хизматлар соҳаси %		38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3	45,3	49
3	Пуллик хизматлар (млрд сум)	309,9	472,3	711,4	948,4	1243,4	1628,5	2194,1	3038,3	4627,1	6045,0	7919,8

Манба: Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2010 . Статистический сборник . Ташкент 2010.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг «Ўзбек модели»га асосан Ўзбекистон иқтисодиётида ривожланишида Давлат бош ислохотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори сифатида намоён бўлди.



1.3.1.-расм. Ўзбекистон ва хорижий давлатларда ялпи миллий ишлаб чиқариш соҳаларини ҳиссаси

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида республика олдин бир палатали, сўнг икки палатали парламентнинг янги жамият қуришнинг ишончли ҳуқуқий асосларини яратувчи 500дан ортиқ Қонун, 10дан ортиқ кодекс, 2та миллий дастур ва мингдан ортиқ қарорлар қабул қилинди. Биринчи галда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг керакли Қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Қабул қилинган қонунлар туркумини уларнинг мазмуни бўйича қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат асосларини яратиш, давлат бошқаруви тизимини янгилашга доир қонунлар;

- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларига доир қонунлар;

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик, хўжалик юриштишнинг янги механизмини яратишга доир қонунлар;

- инсонларнинг маънавий, ижодий имкониятларини ва соғлиқни сақлаш муаммоларига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доир қонунлар;

- Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларига, ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятига, чет эллик сармоядорлар билан ўзаро манфаати ҳамкорлик қилишга доир қонунлар.

Ушбу қонунлар жамиятимизда халқ ҳокимияти қонун устуворлиги тамойилларининг қарор топишига, шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш, сервис соҳасининг жадал суръатларда ривожланишида бевосита ва билвосита хизмат қиляпти.

Истиқлолдан олдинги даврда аҳолини турмуш даражаси бўйича ночорлик, Собиқ Иттифоқ миқёсида энг охириги ўринлардан бири мерос бўлиб қолган эди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди»⁴⁴. Худди шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлари Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилди. Бунда халқаро тажриба асосида ҳамда Республикамиз хўжалик имкониятлари, шарт-шароитлари, эски тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди. Чунки, «.....бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосида қурилган ривожланган мамлакатларининг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий – тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозим эди.»⁴⁵

⁴⁴ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» Т.: Ўзбекистон, 1999й. 6-бет

⁴⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» Т.: Ўзбекистон 1993 йил.5-бет

Шунинг учун «...иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат»⁴⁶ бўлди. Олдинги қонунлар бошқа корхоналар каби хизмат кўрсатиш сервис корхоналарининг ҳам эркинлигига, хўжалик юритишдаги ташаббусига, тадбиркорлигига ҳам йўл бермас, юртимизининг ўзига хос хусусиятига мос эмас эди. Шундан сўнг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик хўжалик юритишнинг янги механизмини яратишга доир қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг асосийлари 2-жадвалда келтирилган.

1.3.2- жадвал

Мулкчилик хўжалик юритишнинг янги механизмини яратишга доир қонунлар

№ т/р	Қонунлар гуруҳи	Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлар номи	Қабул қилинган вақти
I	Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш қонунлари	Мулкчилик тўғрисида	1990 йил 31 октябрь
		Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида	1991 йил 19 ноябрь
		Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида	1993йил 7 май
II	Хўжалик юритишни тартибга солувчи қонунлар		
а)	Корхона ва хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар	Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида	1995йил 21 декабр
		Ўзбекистон Республикасининг Кооперация тўғрисида	1991йил 14 июнь
		Дехкон хўжалиги тўғрисида	2002йил 5 апрел
		Хўжалик жамиятлари ва ширкат	1992 йил 9 декабр

⁴⁶ Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида»Т.: Ўзбекистон 1994йил 29бет.

		тўғрисида	
б)	Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаоллигини тартибга солиб турувчи қонунлар	Банк ва банк фаолияти тўғрисида	1991 йил, 15 феврал
		Пул тизими тўғрисида	1993 йил 6 май
		Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида	1991 йил, 15 феврал
		Суғурта тўғрисида	1993 йил 6 май
		Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида	1992 йил 2 июл
		Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида	1993 йил 2 сентябрь
в)	Корхона билан давлат ўртасидаги корхоналар ўртасидаги муносабатларни йўлга қуювчи қонунлар	Солик кодекси	1997 йил 24 апрел
		Божхона кодекси	1997 йил 26 декабр
		Хўжалик суди тўғрисида	2010 йил 8 июл
III	Ташқи иқтисодий фаолиятни белгиловчи ҳуқуқий нормалар	Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида	1991 йил 14 июн
		Чет эл инвестициялари тўғрисида	1991 йил 14 июн
		Чет эллик инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида	1994 йил 5 май

Жадвал эълон қилинган қонунлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

«Ўзбек модели»га асосан ушбу қонунларнинг устуворлигини, қонуннинг олддида ҳамманинг баробарлиги ва қонунга бўйсунушга амал этиш билан Ўзбекистон иқтисодиётида мулкчилик муносабатлари ва кўп уклади иқтисодиёт шакллантирилди. Хўжаликлар (корхоналар) юритиш тартибга солиниб, корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

Жумладан, Давлат истеъмолчисининг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар

муҳофаза этилиши кафолатланди. Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиёт барпо этилди. Масалан: 2003 йилга келиб Ўзбекистондаги мулк шакллари қуйидагича таркиб топди: 10,8% - давлат мулки, 47,2% - хусусий мулк, 40%-жамоа мулки, 3% - қўшма ва ижара мулки, яъни 89,2% нодавлат мулк шакллари ташкил қилинган бўлиб, уларда иш билан банд бўлганларнинг ҳиссаси 77% ни ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кўп тармоқлар қатори хизмат қилувчи инфратузилма турлари шаклланди: (1.3.2-расм)

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан биргаликда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, мулкчилик ҳўжалик юритишнинг янги механизмини яратишга доир қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга айрим соҳалар эътиборсиз қолдирилди. Улар жумласига, умумий овқатланиш, меҳмонхона ҳўжалиги, туризм, маиший хизмат кўрсатиш ва х.к. киради.

Албатта, бундай хизмат қилувчи инфратузилманинг шаклланиши «Ўзбек модели» тамойилларининг босқичма-босқич бажарилганлиги ҳосиласи ҳисобланади. Хизмат қилувчи ушбу инфратузилма, албатта, йиллар давомида босқичма-босқич ривожланиб, уларнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлди. Чунки улар эндиликда эркин ривожланиш дунё ҳамжиҳатлиги, ўзаро ҳамкорлик асосида ривожланиб борди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида соҳаларнинг босқичма-босқич самарали ривожланишини таркибида хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналари мавжуд бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мисолида кўришимиз мумкин. Маълумки, кичик бизнес хусусий тадбиркорлик ўзининг моҳияти билан истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишда, ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу янги иш ўринларини яратиш, иш билан таъминлаб, аҳолини бандлигини ошириш, аҳолини даромадининг асосий манбаи бўлиб иқтисодий ислохотларни ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга ва устувор йўналишининг бири ҳисобланади.



1.3.2.-расм . Ўзбекистонда хизмат қилувчи инфратузилма турлари

Давлатимиз ташаббуси билан дастлабки босқичда 1995 йил 5 январда «Хусусий тадбиркорликка ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» Президент қарори чиқарилди ва Давлат таассаруфидан чиқаришдан тушган маблағнинг 50% кичик бизнесга юборилди.

Кейинги босқичда яна Давлат ташаббуси билан унинг иқтисодиётимизда ўз ўрни ва ролини ошириш, ҳуқуқий норматив асослари, зарур инфратузилмасини ва тараққиёти шарт-шароитини яратиш учун 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси қонуни, «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида» чиқарилди. Шу билан бирга «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш фонди (Бизнес фонд) «Ўзбекистон товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси (1996й) , уларнинг бўлимлари ҳудудларда ташкил этилди. Фақат Бизнес фонд шу соҳага 10 млрд сўмдан ортиқ ёрдам берди ва ҳукуматимиз саъй ҳаракати билан катта миқдорда чет эл инвестицияларини киритилди. Масалан: 2003 йилда 450млн АКШ доллар киритди.

Шундай қилиб, “Ўзбек модели”да кўрсатилган босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, давлатимизнинг бунда бош ислохотчи ва ташаббускорлиги натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қисқа даврда изчил ривожланиб бормоқда.Шу билан бирга «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш» тўғрисида Президент фармони ЎР ВМ қарори қабул қилинди. Ва «Улгуржи савдо» орқали 106 млрд сўмлик моддий – техника ресурслари сотилди. Тижорат банклари фақат 2001 йилда кичик бизнес субъектларига 144,3 млрд сўм кредит берди. Буни жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан кўриш мумкин. Агар 1992-1996 йиллар жами 85 мингта бўлиб, ЯИМнинг атиги 1,5% ни ташкил этган бўлса, босқичма - босқич ривожланиш билан 2010 йилга келиб ЯИМ 52,4 %ни ташкил этди.Бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаининг муҳим манбаи бўлиб шаклланди.Давлатимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги босқичида бу соҳанинг янада

ривожлантирилиши учун мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши умумдават Дастурининг тузилиши ва ҳаётга тадбиқ этилганлиги янги ривожланиш босқичини ташкил этади.

1.3.3.-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг босқичма-босқич ривожланиши

Йиллар	Сони мингта	ЯИМ улуши%	Иш ўринлар сони минг киши
1992-1996	85	1,5	
2000	142,9	31,0	296
2001	170,8	33,8	350
2002	240	38	370
2004	277	35,6	417
2005	310	38,2	434
2006	330	45	570
2007	370	45,7	630
2008	400	48,2	700
2009	450	50,1	940
2010	470	52,4	950

Юқорида таъкидлаганимиздек, «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти ҳам «Ўзбек модели» асосида босқичма-босқич олиб борилмоқда. Худди шундай хизмат кўрсатиш , сервис соҳаси ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдек босқичма-босқич, Ўзбек модели тамойилларига асосан олиб борилмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервиснинг мустақиллик давридаги эволюциясини таҳлил этган ҳолда қуйидаги уч асосий ривожланиш босқичларга бўлишни тавсия қиламиз:

I – босқич (1991-1997й)	Хизмат тизимини ислоҳ қилиш, мафкурадан холи бўлиши, эркинлик бериш, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш
II – босқич (1997-2006 й)	Хизмат кўрсатиш, сервис тизимини ривожлантириш учун ҳуқуқий ижтимоий иқтисодий шароит яратиш
III – босқич (2006 йилдан кейинги йиллар)	Мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш истиқболларига хизмат кўрсатиш, сервис тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш

Албатта, мамлакат иқтисодиётининг мафкурадан холи этилиши барча соҳалар қатори хизмат соҳаси ривожланишига эркинлик берилиши кўп укладли иқтисодиётга ўтилиши, бошланғич даврда осон ўтмайди. Айниқса, иқтисодиётимиз таркибидаги хизмат соҳасига кирувчи умумий овқатланиш савдо ривожланиши тартибсиз равишда борди. Мустабид Совет тизимидаги аҳолининг дастлабки пул маблағининг камлиги моддий аҳволининг танглиги, ҳаёт даражасининг пастлиги, марказлашган бошқарувга урганиб қолганлиги ва ҳ.к. ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, катта қувватли корхоналарнинг тўлиқ ишламаслиги марказлашган ташкилотларнинг (савдо бошқармаси, матлубот савдо ва ҳ.к.) марказлашган алоқаларининг бузилиши натижасида ва бошқалар дастлабки хизмат корхоналарининг хаотик равишда ривожланишига сабаб бўлди. Давлатлараро товарлар алмашилиши алоқасининг бузилиши, Ўзбекистон бозорларига сифатсиз товарларнинг кириб келиши, ишлаб чиқаришда майдалашиб кетиш натижасида хизмат маҳсулотлари қимматлашиб сифатсиз бўлиб кетди. Худди шундай хизмат соҳасига малакали кадрларнинг еишмаслиги, айниқса, шахсий корхоналарда малакасиз ишчиларнинг кириб бориши натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг маданияти, этикаси ва этикети пасайиб кетди ва бу корхоналар халқаро талабларга жавоб бермай қолди ва ҳ.к. (ҳақиқий рақобат муҳитининг бўлмаслиги, ҳисобга олинмаган иқтисодиётнинг бўлиши, солиқларнинг тўланмаслиги ва бошқалар).

Биринчи босқичнинг айти шу вақтда давлатнинг саяё ҳаракати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бирламчи бўлиб шаклланиши билан: хизмат соҳасидаги мулкый муносабатлар ўзгартирилди, айтикса, хизмат соҳаси корхоналарнинг давлат таассаруфидан чиқарилиши, хусусий мулкчиликнинг ривожлантирилиши, айтикса шу соҳадаги давлат ва кооператив тизимларнинг монопол фаолиятига бархам берилиши; маъмурий бошқарув тизимини янгилаш фаолиятида турли даражадаги алоқалари иқтисодий механизминини ўзгартириши билан бозор иқтисодиётига (яъни маъмурий режалаштириш ўрнига иқтисодий усулларнинг қўлланилиши, иқтисодий эркинлик, мустақил бошқарув, мулкка эгаллик қилиш, ўз ресурсларинини мустақил қўллаш ва ҳуқуқий иқтисодий жавобгарлиги ва х.к) мослаштирилганлигинини ва х.к. аҳволни буткул ўзгартирди ва мавжуд тизим ижобий ҳолатга кела бошлади.Ривожланишнинг иккинчи босқичида Ўзбекистон хизмат кўрсатиш, сервис тизиминини ривожлантириш учун ижтимоий иқтисодий шароит яратиш даври бўлди. Бу даврда ҳуқуқий кадрлар жихатидан, меъёрий –услугий, молиявий моддий ва бошқалар ривожланишинини шарт-шароитлари яратила бошланди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори хизмат кўрсатиш, сервис соҳасига ҳам юртимизда 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги Қонун»⁴⁷ ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»⁴⁸ қабул қилиниши таълим соҳасинини тубдан ислох этиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаб, таъминлаш вазифаси бажарила бошланди. Хизмат кўрсатиш , сервиснинг иккинчи босқичи айтинан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг» иккинчи босқичи даврига тўғри келди.Хизмат кўрсатиш , сервис соҳасига юзлаб махсус ўрта таълим ва олий таълим муассасалари ташкил этилиб, соҳага янги сифатли, рақобатбардош малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб

⁴⁷ «Таълим тўғрисидаги қонун» 1997йил 29 август

⁴⁸ «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 август

етиштира бошланди. Жумладан, 2004 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг №144 қарорига асосан хизмат кўрсатиш соҳасини алоҳида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди, барча хизмат кўрсатиш, сервис соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Иккинчи босқич даврида кўпгина ишлар қилинган бўлсада, аммо хизмат кўрсатишнинг ЯИМдаги улуши паст даражада эди. Иқтисодиётда бандликни ошириш ва аҳолини даромадларини кўпайтириш, маҳаллий бюджетларни тўлдиришни, манбаси сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан ҳам фойдаланиб, унинг қишлоқ жойларида сустривожланаётганлиги маълум бўлди. Ривожланишнинг учинчи босқичида айнан аҳолининг даромадларининг ўсиши, пул маблағларини кўпайтириш, инфляцияни пасайтириш шароитида президентимиз И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида: «...аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг хажми, ҳамда турларини кескин кўпайтиришга эришиш лозим»⁴⁹ эканлигини ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵⁰ қарорининг қабул қилинишидан бошланган десак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁵¹ги Президент қарори асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Давлат дастури ишлаб чиқилди ва бу ҳозирда изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади. Ушбу даврда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган, Инқирозга қарши чоралар дастурининг

⁴⁹И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизацияси ва ислохот этишдир» - Ўзбекистон НМИУ 2005й, 78 бет. ,

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» - Халқ сузи 2006йил 18 апрел

⁵¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» - Халқ сузи 2007йид 22 май

бажарилиши Президентимиз таъкидлаганидек «хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантиришг устувор вазифа бўлиб қолади»⁵². Худди шунингдек устувор вазифа сифатида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозланиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш лозимлиги кўрсатилди»⁵³.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»деб эълон қилиниши, бу борадаги умумдавлат Дастурини ҳаётга тадбиқ этишда хизмат кўрсатиш, сервис соҳасининг алоҳида ўрин эгаллаганлигидан далолат беради. «Ҳозирги вақтдаги муҳим масала хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш лозим»⁵⁴. Чунки, Президентимиз И.А.Каримов таъбирича, хизматлар соҳасининг ривожланишида, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз. Шунинг учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур тайёрланди, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 2016 йилда 54-56% етказилиши ва ўртача ҳар йили 114,9-117,4 фоизга ўсиб бориши кўзда тутилган. «Ўзбек модели» асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарининг босқичма-босқич ривожланишида, бозор иқтисодиёти механизмини яратишда ҳам барча босқичларда кучли ижтимоий сиёсат юритишга, аҳолини муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш тамойилига риоя этилди. Жумладан, хизмат кўрсатиш, сервис соҳасининг дастлабки босқичларида нафақат уларнинг даромадларига ёрдам бериш, балки уларни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш

⁵² И.А.Каримов «Жаҳон молиявий иқтисодий инкирозга, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари» -Т.:Ўзбекистон 46 бет

⁵³ И.А.Каримов «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халкимиз, фаровонлигини оширишга хизмат қилади» - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 22 январ 2011йил

⁵⁴ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган ёил бўлади.Ўзбекистон Республикасида ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқ”Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.”Ишонч” газетаси 2012 йил 24 январь “”11-12 (30- 49)

асосида бепул кадрлар тайёрлаш ёки қулай иқтисодий-молиявий шароитлар яратиш, иш ҳақининг мунтазам кўтариб бориш, инфляция даражасини пасайтириш, турли хилдаги имтиёзлар яратиш ва бошқалар ҳам ижтимоий ҳимоялаш тамойилига амал қилиниши ҳисобланади.

Маълумки, корхоналарнинг сервислаштирилиши орқали аҳолини ва тадбиркорларнинг пул маблағларининг ва молиявий аҳволларининг юксалишини таъминлаш, уларга қулай шарт шароит яратилиши ҳам, ўз ўрнида ижтимоий-ҳимоялаш ҳисобланади. «Ўзбек модели» асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш, сервиснинг босқичма-босқич жадал суръатларда ўсишини кўриб чиқар эканмиз, ривожланиш босқичларидаги камчиликлар ёки унинг кейинги жадал суръатларда ривожланиши учун ўз ечимини кутиб турувчи муаммоларни ёритиб ўтишимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Уларга:

- соҳанинг ҳуқуқий базасини тўла таъминлаш учун: хизмат кўрсатиш ва сервис тўғрисида қонун; савдо тўғрисидаги қонун; аҳолини ва туристларни овкатлантириш тўғрисида қонун; хизмат кўрсатувчи кодекси; корхоналарни сервислаштириш талаб-меъёрлари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарур;

- хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда уларнинг фаолиятида миллий қадриятларни сингдирилиши, тикланиши лозим (айниқса, меҳмондорчилик, маънавий ахлоқ, одоб, маърифат, муомалада мулозамат, ҳаё, андишалик, вазминлик, сабр-тоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, макон ва она юртга эътибор, элатларга ҳос урф-одатлар, расм-русм, маросимларни кўрсата билиш ва ҳ.к).

- соҳанинг ривожланишида рақобатбардошликни ривожлантириш, хизматлар сифатини истеъмолчи талабига мос келтириш муаммосини ҳал қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш шакл ва усуллари, хизмат кўрсатиш, сервис техник-технологиясини тараққий эттириш билан истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга интилиш лозим.

2.БОБ.Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш.

2.1.Самарқанд вилоятида умумий овқатланиш корхоналарни модернизациялашнинг инновацион ҳолатини тадқиқоти

Модернизация ҳолати эса биринчи навбатда корхонанинг инновацион фаолиятдан келиб чиқади. Чунки унинг натижасида олинadиган ишлаб чиқариш маҳсулоти (хизмат), унинг ривожланганлик даражасини белгилайди.

Маълумки, инновация деганда модернизациянинг бош омили (ингл.innovation янгилик киритиш, новаторлик) янги жараён, маҳсулот ёки хизматнинг “янгилигига берилган инвестиция” натижасида амалиётга тадбиғини тушунамиз. Шунинг учун модернизациялашдагидек инновацион жараённинг (фаолияти) ривожланишига ижтимоий маданий, иқтисодий, интеллектуал ва техник технологик ва бошқа омиллар таъсир этади.

Олинган натижалар асосан корхона модернизациясида энг аввало иқтисодий, техник технологик ҳамда интеллектуал (малакавий кадрлар) ва бошқалар бўйича алоҳида инновацион изланиш олиб борилиши ва изланиш методини ҳам келтирилган камчиликлар бўйича бир мунча такомиллаштириш кераклиги сезилди. Шунинг учун биз ушбу масалани “Оби Раҳмат” МЧЖга қарашли “Юлдуз” ресторани мисолида кўриб чиқамиз.

Овқатланиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш ундаги ишлаб чиқаришни янги инновацион ютуқлар асосида жадаллаштириш ва иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Бундай вазифаларни бажаришда унинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ва мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Корхона иқтисодиётининг ривожланиши унинг модернизациялаш ҳолатига боғлиқлигини юқорида кўриб чиқдик.

Россия илмий изланиш институти (РНИИСИ) томонидан корхоналарни модернизациялаш учун унинг инновацион фаолиятига

қаршилик кўрсатувчи ва уларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омилларини аниқлаш омиллар гуруҳи, инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар ва инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омилларни ишлаб чиқишган. Ушбу омилларни қуйидаги жадвал 2.1.1 келтирамиз.

Жадвалда келтирилганлардан кўриняптики, ҳақиқатдан ҳам улар таркибида асосий ўринни иқтисодий, ижтимоий маданий интеллектуал ва техник технологик ва бошқалар ўрин эгаллайди.

Демак, корхона тадбиркорлик фаолияти амалиётида модернизация инновациянинг тадбиғида, уларга қандай омиллар қаршилик кўрсатиши ва қайсиларини жадаллаштиришимизни билишимиз учун уларни амалиётда синаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз

2.1.1.-жадвал

Корхона инновацион фаолият (жараён)га таъсир этувчи асосий омиллар

Омиллар гуруҳи	Инновацион фаолиятга тўсқинлик этувчи омиллар	Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи факторлар
Иқтисодий, техникавий	Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда маблағларнинг етишмаслиги, моддий ва илмий техника базанинг етишмаслиги, жорий ишлаб чиқариш бўйича кизикишларнинг устунлиги, захира қувватларининг камлиги	моддий –техник ва молиявий захираларнинг, зарурий хужалик ва илмий-техник инфратузилмаларнинг борлиги
Сиёсий, ҳуқуқий	антимонопол, солиқ, амортизация, патент лицензиялаш қонунлари томонидан чекланиш.	Инновацион фаолиятни кенгайтириш бўйича қонунларнинг чора тадбирлари (айниқса имтиёзлар), инновациянинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши
Ижтимоий психологик маданий	Ходимлар статусини ўзгартириш, янги иш излашга мажбур бўлиш янги ишни қайта режалаштириш, фао-	Инновацион жараён-ларда қатнашувчиларни маънавий рағбатлантириш, умумий тан олиш, ўз-ўзини намоён қилишда

	лият турини қайта дастурлаш, ахлоқ нормалари ва шаклланган удумларнинг бузилиши мавхумликдан қўрқув, омадсизлик учун жазоланишдан қўрқиш каби оқибат-ларга олиб келувчи ўзгариш-ларга қаршилиқ қилиш	имкониятлар билан таъминлаш. Меҳнат жамоа-сида психологик муҳитни яратиш.
Ташкилий-бошқарувли	Қисқа муддатда ўз ўзини қоплашга йўналтириш, инновацион фаолият бўйича қатнашчиларнинг қизиқишлари билан мослаштиришнинг мураккаблиги режалаштиришда талабчанлик	Оргтузилманинг эгилувчанлиги, бошқаришда демократик услубга ёндашиш, горизонтал ахборот оқимининг устуворлиги, ўз ўзини режалаштириш, коррективкаларни ўтказиш, автономия, мақсадли ишчи гуруҳларни шакллантириш

Шунинг учун биз жадвалда келтирилган факторларнинг Ўзбекистон корхоналари бўйича, жумладан, Самарқанд вилоят савдо-овқатланиш корхоналари бўйича таҳлилини олиб бордик ва қуйидаги натижаларга эришдик.

Корхона инновацион жараёнига таъсир этувчи омиллар гуруҳидан: сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқарув – ташкилий омиллар бўйича мустақиллик йилларида «Ўзбек модели» асосида ривожланганлигини биз диссертациянинг 1 бобида Ўзбекистонда сервис тараққиётининг таҳлилида кўриб чиқган эдик.

Ҳақиқатда ҳам сиёсий, ҳуқуқий соҳада кўпгина қонунларнинг қабул этилганлиги, инновацион фаолиятни рағбатлантирилганлиги, давлатнинг бу борада бош ислохотчи бўлиши, социал маданий соҳада Республикада нормал психологик иқлимнинг, шароитнинг бўлиши; бошқарув ташкилий ишлар таркиби демократия принципларига асосланганлиги, ўз-ўзини режалаштириш ва х.к. буларга мисол бўла олади.

Шунинг учун биз Самарқанд вилоят савдо-овқатланиш корхоналарининг модернизация инновацион ҳолатини ва унга таъсир этувчи

факторларини аниқлашда асосий эътиборни иқтисодий, ишлаб чиқариш (техник технологик) ва бошқа омилларга қаратдик.

Самарқанд вилоят савдо ва овқатланиш корхоналарининг умумий сони вилоят районлари ва Самарқанд шаҳри бўйича 1- иловада келтирилган. Иловада кўрсатилганидек вилоятда жами 191 савдо овқатланиш корхоналаридан 111таси овқатланиш корхоналарга (ресторан, ошхона, кафе ва чойхоналар) ташкил этади. Жадвалдаги корхоналар 2006 йилги “Самарқандсавдо таъминот» ташкилотига қарашли ва Самарқанд шаҳрида жойлашган алоҳида фаолият олиб боровчи фақат овқатланиш корхоналари, ҳамда вилоят бўйича самарали фаолият олиб бораётган савдо-овқатланиш корхоналаридан иборат.

Инновацион ҳолатни аниқлашда биз сўров методини қўлладик. Барча корхоналарга (респондентларга) корхона (ташкилот) модернизация инновацион ҳолатига потенциал салбий таъсир этувчи омиллар кўрсатилган сўров анкетаси берилиб сўров ўтказилди. Сўров анкетасида кўрсатилган омилларнинг ҳар бирига респондентлар томонидан тўрт хил жавобдан: асосий, аҳамиятли; аҳамиятсиз; жавоб беришга қийналаман деган жавоблардан биридир. Сўров анкетасида келтирилган инновацион баҳолашнинг бундай сифат баҳолаш шкаласи универсал характерга эга бўлиб, сўровга қатнашган барча қатнашчилар қийналмай жавоб бериши мумкин. Шу билан бирга корхона қайси ташкилотга қарашли эканлигидан қатъий назар, бир хилда осон жавоб бериш мумкин. Сўров шкаласининг тўрт даражалиги жавоб берувчининг максимум - юқори даражаларни, минимум- пастки даражани қамраб олади. Сўровга жами 17 факторни уч гуруҳга : иқтисодий (6та фактор), ишлаб чиқариш (6 та фактор) ва бошқа турдаги (5 та фактор)лар кўрилди. Самарқанд шаҳар савдо-овқатланиш корхонаси инновацион фаолиятига тўсқинлик этувчи факторлар 2009 йили ҳолати бўйича ўтказилган сўров натижалари 2.2.2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган жавоблар шуни кўрсатяптики, кўпчилик корхоналар иқтисодий факторлардан «ўз маблағининг инновацион фаолиятга етишмаслиги»

2.1.2.-жадвал

Самарқанд вилоят овқатланиш корхонасини инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи факторлар (2009 йил бўйича)

Омиллар	Инновацион фаолиятга тўсқинлик факторлар даражаси			
	асосий	аҳамиятли	аҳамиятсиз	Жавоб беришга қийналаман
Иқтисодий				
Ўз маблағининг етишмаслиги	106	34	18	33
Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги	50	38	22	81
Янги маҳсулотларга тўлов истеъмолининг камлиги	23	23	24	121
Янги техника киритиш юқори қийматлиги	82	36	31	42
Иқтисодий хавф-хатар юқори	67	40	44	40
Янгиликнинг узок муддатга копланиши	40	28	20	103
Ишлаб чиқариш (технологик)				
Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	40	60	70	21
Малакали кадрларнинг етишмаслиги	66	40	40	45
Янги технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги	98	25	28	40
Сотиш бозори хақидаги информациянинг камлиги	93	34	29	35

Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	69	22	80	20
Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	60	83	20	28
Бошқа факторлар				
Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги	50	80	20	41
Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	60	70	30	31
Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	40	60	80	11
Инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги	40	63	75	13
Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	70	50	40	31

Сўров натижаларини таҳлил этишда биз А.Гусеев такдим этган инновацион фаолиятга қаршилик кўрсатаётган факторлар даражасидан салмоқлик коэффиценти билан ранжировкалаш методини қўладик. Бунинг учун агар фактор «асосий» деб характерланса, унга максимал салмоқлик коэффиценти 1 га тенг деб олинади, «аҳамиятли» деганда 0,6 коэффицент, яъни 0,5дан катта бўлиб максимал 1 га яқин хисобланади.

Агар баҳолаш «аҳамиятсиз» дейилса, унга 0,2 коэффиценти тенглаштирилади. Охиргиси «жавоб беришга қийналаман» баҳосига 0 минимал коэффиценти бериледи.

Хар бир факторни баҳолаш учун фактор қаршилик индекси хисобланади. Индексни хисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$I = \left[\sum_{i=1}^n (X_i \times Y_i) / \sum_{i=1}^n X_i \right] \times 100\%$$

Бу ерда: I – қаршилик индекси; n-инновацион фаолиятга бериган баҳолаш жавобининг сони (бизда n=4); i-жавоб вариантининг тартиб номери;

X_i - респондентлар сони (i-вариантга жавоб берганлар); Y -салмоқлик коэффиценти (i-вариантга жавоб) ($Y=0,1; 0,6; 0,2; 0$). Шундай қилиб, I – индекси 0 дан 100%гача нормаллаштирилиб, 100% максимал қаршилик фактори ҳисобланади. Сўровда 17 фактор катнашганлиги учун биз ўртача қийматини топамиз.

Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторларнинг баҳоланишидаги ўртача қаршилик индекси – I ҳисобланиб, 2009 ва 2011йил учун 2.1.3.- жадвалда келтирилган.

2.1.3.-жадвал

Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион фаолиятига тўсқинлик кўрсатувчи факторлар индексини баҳолаш.

№	Омиллар	2009	2011	I-ўртача
1	Иқтисодий			
1.1	Ўзмаблағининг етишмаслиги	68,06	68,10	68,08
1.2	Давлат томонидан молиявий ёрдамнинг етишмаслиги	40,41	38,91	39,66
1.3	Янги маҳсулотларга тўлов истеъмолининг камлиги	21,78	31,17	26,47
1.4	Янги техника киритиш юқори қийматлиги	57,06	62,88	59,97
1.5	Юқори иқтисодий хавф-хатар	52,25	57,47	54,86
1.6	Янгиликнинг узоқ муддатга қопланиши	31,83	29,54	30,68
2	Ишлаб чиқариш (технологик)			
2.1	Ташкилотнинг паст инновацион фаолияти	47,30	43,24	45,27
2.2	Малакали кадрларнинг етишмаслиги	51,37	55,85	53,61
2.3	Янги техника технологиялар бўйича ахборотнинг камлиги	62,09	72,61	67,35
2.4	Сотиш бозори хақидаги информациянинг камлиги	62,40	73,15	67,77

2.5	Корхонанинг янгиликни қабул қилиш қийинлиги	51,41	56,03	53,72
2.6	Илмий ташкилот ва бошқа корхоналар билан алоқанинг камлиги	59,58	52,07	55,82
3	Бошқалар:			
3.1	Истеъмолчининг инновацион маҳсулотга талабининг камлиги	53,40	55,13	54,26
3.2	Инновацион фаолиятни қўллаб қувватловчи норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг етишмаслиги	56,54	57,65	57,09
3.3	Инновацион жараён муддатининг ноаниқлиги	48,16	38,55	43,35
3.4	Инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги	48,58	40,36	44,47
3.5	Технологиялар бозорининг ривожланмаганлиги	56,54	53,15	54,84

Худди шундай ўртача гуруҳ факторлар индекслари ҳисоби 2.1.4-жадвал келтирилган.

2.1.4. -жадвал

**2009-2011 йилларда инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи
гуруҳлар фактори**

Омиллар гуруҳи	2009	2011	I-ўртачаси
Иқтисодий	45,23	48,01	46,62
Ишлаб чиқариш (технологик)	55,69	58,82	57,25
бошқалар	52,64	48,96	50,8
Жами индекслар	51,18	51,93	51,55
барча жавоблар, бирлик	191	111	

2011 йилда бажарилган сўров тадқиқотида кўпгина корхоналар реструктуризация бўлганлиги натижасида бирлаштирилди, кўплари ўз фаолиятини тугатди. Айниқса, 2010 йил «Самарқандсавдо таъминоти» ташкилоти тугатилганда буларга қарашли бўлган вилоят бўйича корхоналар ўз ҳудудий бошқарувига ўтказилди. Умуман, 2010 йилда ўтказилган сўров 111/82 та асосий корхоналар бўйича олиб борилди. Олиб борилган «Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари»нинг инновацион фаолиятига қаршилик кўрсатувчи факторлар индексини аниқлаш бўйича қилинган илмий-тадқиқот қуйидаги хулосаларни берди:

- қаршилик индексларни ичида максимал даражадагиси «корхона пул маблағининг етишмаслиги» ($I_{\text{ўрт}}=68,08\%$). Ундан сўнг «янгиликни киритиш юқори қийматлилиги» ($(I_{\text{ўрт}}=59,9\%)$). ва «давлат томонидан молиявий ёрдамнинг камлиги» ($((I_{\text{ўрт}}=39,66\%))$). Ҳақиқатдан ҳам маблағ ресурсининг етишмаслиги корхонанинг қўшимча инвестицияларга муҳтожлигини ва ушбу ҳисоб натижалари тасдиқлайди;

- қаршилик индексининг минимал қиймати ($I_{\text{ўрт}}=53,72\%$). Бу ишлаб чиқариш (технологик) гуруҳидаги «корхонанинг янгилашларини қабул қилиш қийинлиги ҳисобланар экан. Демак, бундан шуни айтиш мумкинки, корхоналарнинг қарийиб 46 % инновацион янгиликка тайёр экан деб ҳисоблаш мумкин.

- қаршилик индексининг 1,2 ва 3,2 факторлари шуни кўрсатяптики 2006-2010 йиллар давомида кўзга кўринарли даражада давлат томонидан молиявий ёрдам берилмаганлиги, лекин бу ҳам етарли даражада эмас. Худди шунингдек, инновациянинг ҳуқуқий бошқарув фаолияти ҳам қонунлар билан ҳам таъминланмаганлиги етарли даражада эмас;

- хўжалик субъектларининг янги техника ва технологиялар ва бозорлар (2,3 ва 2,4 факторлар) тўғрисида кам информацияга эғалиги, корхоналарда замонавий телекоммуникацияларнинг талаб даражасида эмаслиги, тадбиркорлик хатарининг юқорилиги (1,5 факторлар) товламачиликнинг юқорилиги кўрсатади;

-корхоналарнинг инновацион салоҳиятининг пастлиги ($I_{\text{ўрт}}=45,27$,% 2,1 фактор) ва малакали ходимларнинг етишмаслиги ($I_{\text{ўрт}}=53,61\%$ 2,2 фактор).

- қаршилиқ индексининг 1,3; 1,4; 1,6 факторлари бўйича хўжалиқ субъектларининг тассавурида ҳали ҳам инновацион фаолият катта таваккалчилик қимматли зарар келтирувчи бўлиб кўриняпти;

Агар биз эксперт сўров ўтказилганлиги бўйича хулоса қиладиган бўлсак, унда қуйидагиларни белгилаш мумкин:

-корхоналар инновацион фаолияти тўғрисида эксперт сўров давлат статистика бошқармаси тизими томонидан мунтазам равишда олиб бориш керак;

-сўров анкетасидаги саволларнинг кўплиги, унинг ишончлилиги ва самарасини пасайтиради;


-мутахассисларнинг сўров анкетаси саволларига жавоб беришда сўров маданиятининг пастлиги, эътиборсизлик билан қараш ва бу соҳадаги билимнинг етишмаслиги сезилади;

-сўровда факторлар сонини кескин камайтириб, бир вақтнинг ўзида ҳам қарши факторлар ҳам корхонада олиб борилган (ёки олиб борилаётган) инновация бўйича факторларини ҳам келтириш ва сўровга асосан мутахассисларни жалб этиш лозим бўлади.

2.2.Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарини модернизация инновацион ҳолатини баҳолаш (Оби Раҳмат ОАЖ «Юлдуз»ресторани мисолида)


Самарқанд вилоят умумий овқатланиш корхоналари инновацион ҳолатини изланишида биз корхона инновация фаолиятига қаршилиқ кўрсатувчи факторлар бўйича умумий овқатланиш корхоналари бўйича сўров ўтказилиб, қаршилиқ индексини ҳисобладик. Жумладан, «Оби Раҳмат» ОАЖ «Юлдуз» ресторани бўйича ҳам ўтказилди. Лекин, ўтказилган сўров натижаларини ва ўтказиш жараёнида таҳлилидан намоён бўлган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, биз 2011 йил «Оби Раҳмат» ОАЖ «Юлдуз» ресторани бўйича қайта сўров ўтказдик. Сўров ўтказиш учун

махсус 10 кишидан иборат сўров комиссияси ташкил этилди. Сўров анкетасига бир вақтда инновацион қаршилиқ факторлари билан инновацияни ривожлантирувчи факторлар ҳам келтирилди. Инновацион қаршилиқ факторлари 17дан 8 тагача камайтирилди ва яна 6 та ривожлантирувчи факторлар берилди. Бунда, иқтисодий таъсир этувчи факторларга: ўз маблағининг етишмаслиги, юқори иқтисодий хавф хатар; сотув бозорлари ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги; техник технологик факторларга: янги техника технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги, янги товарга талабнинг ҳисобида: малакали кадрларнинг етишмаслиги инобатга олинди. Худди шунингдек, олинган натижалар бўйича инновацион ривожланишнинг кўрсаткичларининг сифат таҳлили ўтказилди ва иқтисодий ривожлантирувчи факторларга: Ўзбекистонда янги сотиш бозорларини яратиш; стандарт бўйича таъминланганлик ҳолати; техник технологик факторлар: меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; интеллектуал маданий факторлардан: малакали кадрларни кўпайтириш киритилди. Бунда икки гуруҳ инновацияга қаршилиқ кўрсатувчи ва корхона инновацион фаолиятини ривожланиш факторларини баҳолаш бажарилди. Баҳолашда биз интеграллашган 4 – баллик рейтинг баҳолаш методини: 3-кўрсаткичнинг энг юқори даражаси; 2-ўртача; 1-аҳамиятсиз; 0-таъсир даражасининг йўқлигини қўлладик. Бундай методни қўллаш кўрсаткичлар нисбий таҳлилида аниқ кўрсаткичларни олишга ёрдам беради. Корхона инновацион фаолиятига қаршилиқ кўрсатувчи факторлар рейтинг балли баҳолаш натижаси бўйича асосий факторлар салмоқлиги ҳисобланиб, натижалар 2.2.1.- расмда келтирилган. Баҳоланган факторлар ичида корхона ўз маблағ ресурсларининг етишмаслиги (рейтинг 2,7) ва янги маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги (2,5) нисбатан баҳоланди. Худди шунингдек, корхонада малакали мутахассислар ва янги техника ва технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги ушбу катта таъсир этмаганлигини кўрсатди (рейтинг 1,3 ва 1,4)



2.2.1.-расм.Корхонанинг модернизация инновацион фаолиятига қаршилик этувчи факторлар рейтинг..

Худди шундай корхонанинг 2008 -2010 йилдаги инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи факторлар таъсири рейтингини ўтказилиб, натижалари 2 расмда келтирилган.



2.2.2.-расм.Корхона инновацион фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи факторлар рейтингини.

2.3. “Оби Раҳмат” ОАЖ “Юлдуз” ресторанининг техникавий даражасини таҳлили

Маълумки моддий - техника база ўз ичига барча асосий фондларни ва бир қисм айланма фондларни ўз ичига олади. Корхона асосий фондлари унинг моддий-техникавий базасининг бир қисми бўлиб, улар мунтазам равишда эскириш воситаси ва ўз қийматининг бир қисмини тайёр маҳсулотга ўтказди. Шунинг учун уларга бир хил ҳисоб меъёрлари берилади. Шундай қилиб, корхона асосий фонди унинг ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, ишлаб чиқариш меҳнат воситалари, кулинар маҳсулотлар реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш комплексини ташкил этади.

Овқатланиш корхоналарининг асосий фондини, унинг биноси, иншоотлари, машина ва жиҳозлари, транспорт воситалари, инструментлари, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа меҳнат воситаларидан таркиб топади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Юлдуз” ресторанининг моддий-техникавий базасининг асосий фонди 2-иловада 2011 йилдаги ҳолати келтирилган.

Корхона ўзининг махсуслик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий фондининг бир қисми (машиналар, жиҳозлари ва асбоблари) ундаги ишлаб чиқаришдаги овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлари хом ашё ва бошқаларнинг ишлови учун қўлланилса, қолганлари унинг реализацияси ва истеъмолини ташкил этиш учун фойдаланилади.

Агар биринчисида янги истеъмол қиймати ва қийматлар яратилса, иккинчисида асосий фондлар истеъмол этиш шароитини яратишга ҳам сабабли бўлади.

Овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусияти унинг асосий фондларнинг қўлланилиши билан чегараланмайди. Уларнинг айримлари ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам, реализацияда ва истеъмолни ташкил этишда ҳам қўлланилса, айримлари фақат бир функционал жараён операцияларига қатнашади. Масалан, бино ва иншоотлар хом- ашёнинг келишидан, тайёр маҳсулот реализациясигача бўлган барча босқичларда қўлланилади. Лекин совитиш жиҳозлари фақат ишлаб чиқариш ва реали-

зацияда, механик жиҳозлар эса фақат ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилади. Кузнецов В.И. томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаси бўйича⁵⁵ умумий овқатланиш корхоналари асосий фондининг қарийб 55% ишлаб чиқаришни, 35% истеъмолни ва 10% маҳсулот реализациясини ташкил этишни таъминлаши аниқланган. Худди шундай ҳисоб “Юлдуз” ресторани бўйича олиб борилганда ҳам ишлаб чиқариш 59%, истеъмолга 32% ва 9% реализацияда фойдаланилганлиги маълум бўлди.

Умумий овқатланиш корхонасининг асосий фондларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишдаги функцияларига қараб актив ва пассивга бўлинишини кўришимиз мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг актив асосий фондлар таркибига: жиҳозлар, машиналар, аппаратлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш инвентари ва инструментлари, ҳисоблаш машиналари ва меҳнат воситалари қирадиди улар корхонанинг техникавий қуролланганлигини ташкил этади. Бу фондлар ўзларининг хусусияти билан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига тўғридан тўғри таъсир этади.

Корхонанинг пассив асосий фонди таркибига унинг биноси, иншооти ва шу кабилар қирадики, улар маҳсулот ишлаб чиқаришда тўғридан тўғри таъсир этмасаларда, лекин унинг ишлаб чиқаришда, кулинар маҳсулотининг реализациясида ва маҳсулотлар истеъмолини ташкил этишда қатнашади.

Тадқиқот объекти ҳисобланган “Юлдуз” ресторанининг техникавий даражасини аниқлаш мақсадида, унинг моддий-техник базасининг асосий фондларини, юқорида келтирилганлардан фойдаланиб турли гуруҳларга бўламиз.

“Оби Раҳмат” ОАЖга қарашли “Юлдуз” ресторанининг асосий фондлар рўйхати 2011 йил ҳолатида, яъни 2010-2011 йилларда ўтказилган модернизациялашдан кейинги ҳолати жадвал 1 да келтирилган. Агар “Оби

⁵⁵ Кузнецов В.И. Основные фонды общественного питания и их воспроизводства – М., МИНХ 1975. Стр 6

Раҳмат” ОАЖ асосий фондларининг умумий баланс қиймати 1,022 миллиард сўм бўлса, шундан “Юлдуз” ресторани 891107257 сўмни ташкил этади.

“Юлдуз” ресторани асосий фондларининг техникавий даражасини аниқлаш мақсадида биз корхона техникавий даражасини аниқлаш методикаси бўйича мақсадли гуруҳларга ажратамиз. Улар қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ишлаб чиқариш жиҳозлари;
2. Мебеллар ва инвентарлар
3. Бино ва иншоотлар
4. Бошқа жиҳозлар ва инвентарлар.

Ресторан асосий фондларидан ишлаб чиқариш жиҳозлари гуруҳи рўйхати 2009 йил ҳолатида (2.3.1-жадвал) яъни техникавий модернизациялашдан олдинги ҳолати ва ундан кейинги 2011 ҳолати 2.3.2-жадвалда келтирилган.

2.3.1.-жадвал

“Юлдуз” ресторани асосий фонди гуруҳи таркибий қисми 2009 йил боши

№	Инвен- -таръ номе- ри	Жиҳоз номи	тавсифи				
			маркаси	Унум дорли ги	Эл.к увва ти	Мас саси кг	Эгалла ган юзаси м ²
Механик жиҳозлар							
1		Мясорубка (гўшт қиймалагич)	МС2-70	70	0,6	6,5	0,019
			МИМ-88	180	1,1	75	0,109
2		Идиш ювиш машинаси	МИ9-1000	1000 дона	40	1000	4,1
			ММУ-500	500	26	350	1,36
3		Хамирқоргич	ТММ-1М	140л	2,2	350	1,08
4.		Кўпиртирувчи машина	МВ-60	60л	2,2	400	0,72
Иссиқлик жиҳози							
1		Қайнатиб пиши риш қозони	КПКИ-60	60	10,5	103	0,75
2		газплитаси	ПЭСМ-1Н	0,48	14	180	0,65

3		Қовуриш шкафи	ЭП-4ЖШ	0,48	9,6	260	0,66
4		электротова	СЭ-0,45	0,5	12	275	0,41
5		Электро-фритюрница	ФЭСМ-20	20	7,5	9,0	0,36
6			ФНЭ-5	8	4	25	0,11

Совитиш жиҳозлари

1		2 камерали совитгич	ШХ 1,12	1,2м ³	0,43	275	1,33
2		«Пингвин» совут гич прилавкаси	ПВХС 1 0,5	0,5м ³	0,36	400	2,42
3		Совутгич шкафи	ШХ 1,25	1,25/250	0,7	450	1,3
4		Музгенератор	ЛГ 10М	3кг/с	1,1	295	5,1
5		музлатгич		1,5кг/с	0,3	115	0,3

Салқинловчи жиҳозлар

4	ОС42	Кондиционер	BEKO OSI	2,5/0, 4	1,2/1 ,5	10,4/3 4	0,1
---	------	-------------	----------	-------------	-------------	-------------	-----

2.3.2.-жадвал

“Юлдуз” ресторани асосий фонди гуруҳи таркибий қисми 2011 йил боши

№	Инв ен- тарь ном ери	Жиҳоз номи	тавсифи				
			маркаси	Унуморлиг и кг/соат	Эл.к увва ти кВт	Масс аси кг	Эгалла ган юзаси м ²
Механик жиҳозлар							
1		Мясорубка (Гўшт қиймалагич)	НФУ	90	1,1	12	0,1
			МИМ 82	250	1,1	55	0,17
2		Идиш ювиш машинаси	МУ 500А	500	12	250	1,5
3		Хамирқоргич	ТММ 1М	160	2,6	250	0,89
4.		Кўпиртирувчи машина		80	2,2	300	0,86

Иссиқлик жиҳози

1		Қайнатиб пиши риш қозони	КПЭ 60	60	9,33	210	0,6
			ПЭСА 60	60	10,5	103	0,88

2		газплитаси	ПЭСМ 1Н	0,24	3,6	110	0,35
			ПЭСМ 4	0,48М ²	14	210	0,71
3		Қовуриш шкафи	ЭП 4ЖШ	0,48	14	200	0,32
			ЭШ 3И	0,38	9	310	0,95
4		электротова	СЭ 0,45	0,45	11,2	220	0,1
			СЭСМ 0,5	0,5	12	275	1,23
5		Электрофритюрница	ФЭСМ 20	20	7,5	90	0,36
6			ФНЭ 5	8	4	25	0,11

Совитиш жиҳозлари

1		2 камерали совитгич	ШХ 1,056	1,056М ³	0,47	330	1,7
2		«Бирюза» совут гич прилавкаси	Бирюза	0,,4	0,45	120	0,5
3		Совутгич витринаси	ПВХ 1 0,30	0,54м ³	0,37 5	275	1,7
4		Совутгич шкафи	ШХ 0,4	0,4/80	0,45	180	0,5

Салқинловчи жиҳозлар

1	OC90	Кондиционер	AQ 24	3,5/3,9	1,28/1,8	10,4/34	0,2
2	OC43	Кондиционер	Ferette	5,0/0,55	1,8/1,7	14/42	0,8
3	OC45	Кондиционер	Ferette	5,0/0,55	1,8/1,7	14/42	0,8

Ушбу гуруҳга кирувчи кўп сонли, турли мақсадда қўлланиладиган жиҳозларни, ўзларининг функциясидан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тарқатиш ёки муомалага чиқариш ҳамда овқатланишни ташкил этишда қўлланилиши билан турлича гуруҳлаш мумкин.

Жиҳозларни гуруҳлашда уларнинг умумий аломатларидан келиб чиқиб: нимага тайинланиши, маҳсулотга таъсир характери, функционал белгиси ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Шуларни инобатга олган ҳолда уларнинг функционал қайси жараёнини бажаришига қараб:

- 1.Механик жиҳозлар;
- 2.Иссиқлик жиҳозлари,
- 3.Совитиш жиҳозлари
- 4.Салқинловчи жиҳозлар гуруҳига бўлинади.

Жиҳозларнинг техникавий даражасини аниқлашда уларга қўйилган умумий талаблардан келиб чиққан ҳолда улардан унумли фойдаланишга, яъни эксплуатация қилишда фойдаланиладиган кўрсаткичлардан фойдаландик.

Овқатланиш корхоналари жиҳозларига қўйилган умумий талаблар, шартли равишда технологик, эксплуатацион, энергетик, конструктив ва иқтисодий талабларга бўлинади ва булар 1 расмда келтирилган

Жиҳозларга бўлган талаблар уларнинг тўғри эксплуатация қилиш, яратилишида оптимал вариантларини танлаш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги ва санитария қоидаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва хизматлар сарф- харажатини камайтиришга ва ҳ.к.асосланади.

Агар биз, бу талаблар моҳияти ҳақида гапирсак, унда технологик талаблар деганда, уларнинг ишлаш режимининг максимал даражада бажарилишини таъминлаш, лойиҳа параметрларига мослигини аппарат ишчи камерасининг тузилиши, ортиш ва бўшатиш қурилмасининг маҳсулотлар қайта ишлови, физикавий ва кимёвий жараёнларига тайёр маҳсулот сифатини яхшилашга тўғри келишига тушунилади.

Жиҳозларнинг технологик параметрларига улардаги ҳарорат ва босим кучи, маҳсулотнинг аппарат бўйлаб ҳаракат тезлиги ва ҳ.к. кирадики, улар ҳали жиҳозларда қайта тайёрлов жараёнлар талабларидан келиб чиқиб, тайёр маҳсулотлар сифатига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади.


Худди шундай, эксплуатацион талаблар, жиҳозларни ишлатишда, хизмат кўрсатишда оддий бажарилишини, кам меҳнат сарф этилиши, унинг коррозияга чидамлигини , кўриб чиқиш, тозалаш, таъмирлаш осон бўлиши; сабабсиз, тўхтовсиз ва шовқинсиз ишлашини таъминлашни бажаради.

Эксплуатацион талаблар, жиҳозларнинг қўлланилишидаги техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талаб ва қоидалари билан бевосита боғлиқ равишда бўлади. Уларга жиҳозларнинг ишлашида ҳавонинг тозаллиги, нормал ёруғликнинг бўлиши, ионизациядан, қизил ва ультрабинафша нурлардан, электромагнит нурланишдан ҳимояланганлиги; шовқин, вибрация, ультратовуш, электр токини уришидан, электростати зарядлар пайдо бўлишидан, юқори ва паст ҳароратдан, механик, кимёвий, биологик факторлардан ҳимояланиши; жиҳозларнинг ўралганлиги, электр блокировкаланиши, сигнализация ва назорат ускунаарида турли рангларнинг қўлланилиши таъминланган бўлиши керак.

Энергетик талабларнинг асосий мақсади машина ёки аппарат технологик жараёни бажаришда минимал миқдорда энергия сарфлаш ёки аппаратнинг энергия камсарфлик функцияси бўлиши ҳисобланади. Иссиқлик аппаратларида иссиқлик миқдорини, механик машиналарнинг ҳаракат қисмларининг енгиллаштирувчи воситалар бўлиши ва бошқалар кўзда тутилади. Энергетик талабнинг барча хилдаги жиҳозлари учун кўрсаткичи бу: тайёр маҳсулот бирлигига тўғри келувчи солиштирма энергия сарфи ҳисобланади.

Конструктив талабнинг асосий моҳияти, жиҳозлар конструкциявий тузилишининг замонавий машинасозлик даражасида бўлишидир.

Жиҳозларнинг ишлаш қобилияти ишончлиги, мустаҳкамлиги, узоқ муддатда ишлай олиши, таъмирлашга яроқлиги, ўзини ўзи сақлай олиши, ишлаб чиқариш эстетик ва эргономик талабларга жавоб бериши конструктив талабларнинг асосини ташкил этади. (2.3.1.-расм).



2.3.1.-расм. Овқатланиш корхонлари жиҳозларига қўйиладиган умумий талаблар

Худди шунингдек, иш қобилияти деганда машина ва аппаратнинг техникавий ҳужжати талаблари бўйича, маълум берилган параметрлар функцияларининг бажарилиши қобилияти тушунилади.

Жиҳозларни ишончлиги эса унинг маълум берилган вақтгача бузилмасдан ишлашига тушунилиб, миқдор жиҳатдан жиҳозларнинг бузилмасдан ишлаган вақтининг оптимал техникавий фойдаланиш коэффициентига кўпайтмаси билан баҳоланади.

Албатта, жиҳозларнинг ишончли ишлаши уларнинг бузилмасдан узоқ муддатда, таъмирга яроқлилиги ва сақланишига боғлиқ булади.

Жиҳозларнинг ишламай қолиши, бу уларнинг иш қобилиятининг бузилганлигидандир, ишончлигининг пасайиши ва таъмирга муҳтожлигидан дарак беради. Жиҳозларнинг ишламай қолиши тўсатдан ёки унинг эскиргани (издан чиқиши) сабабли бўлиши мумкин.

Узоқ муддатда ишлаши, жиҳозларнинг маълум чегаравий ҳолатдаги техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун танаффуслардан иборат иш қобилияти тушунилади ва у жиҳознинг ресурси ёки хизмат муддати билан характерланади. Ресурс тушунчаси бу тайёрланган заводнинг ўрта ва капитал таъмирлашни ҳисобга олган ҳолда кафолатланган вақти бўлса, хизмат муддати жиҳознинг чегаравий ҳолатгача ёки буткул ҳисобдан чиқаришгача бўлган календар эксплуатация қилиш муддатига тушунилади.

Таъмирга яроқлиги бу жиҳознинг ишламай қолиши ва бузилишини огоҳлантирувчи, аниқловчи ва уни бартараф этиш қобилияти бўлиб, улар техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга мойиллиги ҳисобланади.

Ўзини сақлаш бу жиҳозларнинг сақлашда ва транспортировка қилишда эксплуатацион кўрсаткичларини ўзгартирмасдан сақлаш тушунилади.

Жиҳозларнинг техникавий эстетикаси деганда, техника ва саноатдаги бадий (дизайнли) конструкцияланиш бўлиб, унинг воситалари ва ташкилий ишларига жиҳозларнинг бадий тайёрланиши, ёритилиши ва шамоллашинининг рационал кўринишида бўлиб, хона жиҳоз рангларининг мослиги, қулай иш кийимларинининг бўлиши, замонавий санитар гигиеник қурилмалар,

турли хилдаги сигнал рангларининг бўлиши, хавфсиз белгилар ва функционалл мусиқа ва ҳк бўлиши тушунилади.

Эргономик (юнончадан *ergon*-иш, *nomos* -қонун) талабларини: гигиеник (ёруғлик, микроклимат, ҳавонинг тозалиги, магнит ва электромайдондан унинг кучланганлигини, товуш босими ва вибрацияси кўрсаткичлар нормаллиги; антропометрик (конструкциянинг юзаси) ва гавдасининг нормал ҳолати инсоннинг ва психофизиологик (одамнинг кучи, тезлиги, энергияси, кўриш, эшитиш ва сезиш қобилияти) кўрсаткичлари мослиги ва психологик нормативларга (одамнинг енгил ва тез, маълум ҳажмда ва тезликда ахборот-ни қабул қилиш) мос бўлишлиги талаб этилади.

Умуман олганда ,жиҳозларнинг ўлчамлари, бошқарув пультлари ва уларнинг формаси, инсоннинг эргономик ва антропологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўлиши талаб этилади.

Овқатланиш корхоналари жиҳозларининг иқтисодий талаблари машина ёки аппаратларнинг юқори техникавий иқтисодий кўрсаткичларини сақлаган ҳолда унинг тайёрланиши, ўрнатилиши ва эксплуатация қилишда минимал сарф харажат қилиш тушунилади.

Иқтисодий талаблар кўрсаткичларига: солиштирма унумдорлик, солиштирма энергия сарфи, солиштирма металл сиғими ва фойдали иш коэффициенти киради.

Шундай қилиб, жиҳозларга қўйилган умумий талаблар жами 17 та бўлиб, улардан унумли фойдаланишга, яъни эксплуатация қилишда асосий эксплуатацион кўрсаткичларни ишлатамиз. Чунки, улардан фойдаланишда бажарилаётган ишларини баҳолаш, бир бирига таққослаш ва танлаш мумкин бўлади.

Эксплуатацион кўрсаткичлар шартли бўлиши жиҳозларнинг техникавий иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқ равишда кўрилади ва жиҳозларнинг иши мунтазам равишда кузатилиб, баҳоланади иш унумдорлигини ошириш мақсадида такомиллаштирилиб борилади.

Агар асосий эксплуатацион кўрсаткичларга: жиҳозларнинг ишлатилиш коэффициенти, унумдорлиги, солиштирма унумдорлиги, фойдали иш коэффициенти, солиштирма энергия сарфи, солиштирма металл сиғими, ишлов юзасига тўғри келадиган кучланиш ва машина қуввати деб ҳисобласак, уларнинг техникавий даражасини аниқлашда унинг унумдорлиги, экспорт сарфи (қуввати), солиштирма металл сиғими (оғирлиги) ва жиҳоз эгаллаган юза (майдон)ини қабул қилдик.

Шудай қилиб, жиҳоз унумдорлиги ҳар бир технологик жиҳоз учун катъий алоҳида хом ашё ва иш режимига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Энергия сарфини ҳисобга олиш учун, солиштирма энергия сарфи кўрсаткичи қўлланилади. Иссиқлик аппаратлари учун солиштирма иссиқлик:

$$q = Q_{\text{сарф}} / G_{\text{м.м}}$$

бу ерда: $G_{\text{м.м}}$ - тайёр маҳсулот массаси (миқдори) кг ёки дона.

Жиҳозларнинг солиштирма металл сиғими m , жиҳоз характерли параметри (ҳажми ёки майдони) бирлигидаги металлнинг сарфи бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$m = M / V_0; \quad m = M / F_0;$$

бу ерда: M жиҳоз металл конструкциясининг массаси, кг.

V_0 - ишчи камера ҳажми, м^3

F_0 - ишчи юза (қовуриш) майдони, м^2 ;

Узлуксиз ҳаракатдаги жиҳозларнинг металл сиғимини назарий иш унумдорлиги орқали, яъни уни жиҳоз металл конструкциясига бўлиш билан ҳисоблаш мумкин:

$$m = Q_{\text{м}} / M$$

Иссиқлик жиҳозларига мансуб, эксплуатацион энергетик кўрсаткичга, ишлов юзасига тўғри келадиган кучланиш $T (\text{Вт} / \text{м}^2)$ киради:

$$T = Q_{\text{сарф}} / F \cdot \tau$$

Бу ерда: $Q_{\text{сарф}}$ сарф этилган иссиқлик миқдори, Дж/кг;

F - қиздириладиган юза майдони, м^2

Т- аппаратнинг ишлаш давомийлиги,с.

Жиҳозларнинг (машиналр) сарфланадиган қуввати (N), ишчи орган ўқиға сарфланган қувватига тенг бўлиб, бу ўз ўрнида маҳсулотнинг қайта ишловига (N_M) узатмаларға сарфланган қуввати (N_y) йиғиндисига тенгдир:

$$N = N_M + N_y$$

Маҳсулотларнинг механикавий қайта ишловига кетган:

- машина ишчи органининг илгариланма ҳаракатида: $N_{M.u} = P \cdot \square$, Bm;
- машина ишчи органининг айланма ҳаракатида: $N_{M.a} = M \cdot \omega$, Bm;

бу ерда: P қайта ишлов маҳсулотга ишчи орган таъсир кучи ёки маҳсулотнинг қарама қаршилиқ кучи, Н;

M -айланма момент,н.м.

$\square$ -маҳсулотга нисбатан ишчи органнинг илгариланма тезлиги, м/с;

ω -маҳсулотга нисбатан ишчи органининг бурчак тезлиги,рад/с.

Маҳсулотни узатишға кетган қувват: $N_{y.M} = P_y \cdot \square_y$

Маҳсулотнинг илгариланма ҳаракатида: $N_{y.a} = M_a \cdot \omega_a$, Bm ;

Маҳсулотнинг айланма ҳаракатида:

Бу ерда: P_y маҳсулотнинг илгариланма ҳаракати учун талаб этилган куч, Н

M_a - маҳсулотнинг айланма ҳаракати учун талаб қилинган куч моменти; н/м;

$\square_y$ -маҳсулотнинг ишчи камераға нисбатан илгариланма ҳаракат тезлиги,м/с

ω_a - маҳсулотнинг ишчи камераға нисбатан айланма ҳаракат бурчак тезлиги, рад/с;

Ишчи орган ўқиға кетган қувват технологик ёки қувватнинг фойдаи сарфи дейилади. Лекин машинанинг умумий қувватининг сарфига, машина узатмаларини ва бажарувчи механизмларининг ҳаракати ҳам сарф бўлиши керак.

Шунинг учун машинанинг ишлашиға сарф бўладиган умумий қувват:

$$N_y = N / \eta$$

Бу ерда: η машинанинг фойдали иш коэффициенти (ФИК).

Жиҳозларнинг катталигидан келиб чиқган эгаллаган жойини ҳам инобатга олсак, унда уларнинг фақат эгаллаган майдони ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган ишланмалардан келиб чиқган ҳолда “Юлдуз” ресторани асосий фондидаги жиҳозлар ўзларининг асосий умумий талаблари бўйича 2.3.2 ва 2.3.3 жадвалда 2009 йил модернизациягача бўлган вақтда 2011 йил ундан сўнгги ҳолатда келтирилган. Корхона асосий фондининг мебеллар ва инвентарлар 3- иловада, бино ва иншоотлар 4- иловада ва бошқа жиҳозлар ва воситалар 5- иловаларда келтирилган. Корхонанинг асосий фондларининг бундай гуруҳланиши унинг техникавий даражасини аниқлаш мақсадида ва асосий фонд таркибидаги жиҳозларни ва бошқаларни инновацион йўл билан янгилаш корхона ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ҳисоблашда 2.3.1- жадвалда келтирилган ишлаб чиқариш, тарқатиш ва овқатланишни ташкил этиш жиҳозларининг техникавий даражасини 3.1..параграфда келтирилган методика билан ҳисобладик. Асосий фондни ташкил этувчи бошқа гуруҳ моддий бойликлари эса амортизацион эскириш ҳолати ҳисоби бўйича қабул қилинди ва техникавий даража коэффициентига тенглаштирилди. Жиҳозларнинг техникавий даражасини, аниқроғи техникавий даража коэффициентини аниқлашни иссиқлик жиҳознинг техникавий даражаси ҳисоби мисолида кўриб чиқамиз. Ўзгарувчан база асосида иссиқлик жиҳознинг техникавий даражасининг 3.1..параграфда келтирилган метод бўйича ҳисоби 6 илова келтирилган, унинг натижалари эса 2.3.4- жадвалда келтирилган. 2.3.4-жадвалда ҳисобга олинган корхона модернизациясига корхонада нормал ишлаб турган ФЭСМ-20, ФНЭ-5 фритюрница турдаги жиҳозлари, янги ишлаб чиқарилган жиҳозлар (фритюрницалар) ФСЭМ-20, ФСЭН-16 билан таққосланди. Бунда, уларнинг x_1 - (иш унумдорлиги) кг/соат, x_2 -қуввати кВт, x_3 - эгаллаган жойи, m^2 , инобатга олинади. Ушбу кўрсаткичлар ҳам техникавий, ҳам иқтисодий томондан муҳим ҳисобланиб, уларнинг миқдори корхона самарадорлигигани салмоқли таъсир этади.

Ўзгарувчан база асосида иссиқлик жиҳозининг техникавий даражасини
ҳисоблаш

Жиҳозлар		Кўрсаткичлар				Техникавий даража коэффициенти			
		X ₁ кг/соат	X ₂ кВт	X ₃ кг	X ₄ м ²	1-база бўйича K _{тд1}	2-база бўйича K _{тд2}	1-база бўйича 2-база шартида	2-база бўйича 1-база шартида
А	Электрофритюр- ница ФСЭМ-20	20	7,5	9,0	0,36	1	2,52	0,9	2,28
Б	Фритюрница ФСЭМ-16	16	6	18	0,2	0,57	1,5	0,7	1,49
	База								
1	ФЭСМ-20	20	7,5	90	0,36				
2	ФНЭ-5	8	4	25	0,11				
	Кўрсаткичлар бўйича салмоқлик коэффициенти	0,25	0,25	0,25	0,25	Ҳаммаси учун			
		0,13	0,69	0,07	0,09	1 база учун 2 база шароитида			
		0,14	0,44	0,21	0,19	2 база учун 1 база шароитида			

X₁ – жиҳоз унумдорлиги ,км/соат;

X₂ – эл.двигатели қуввати, кВт;

X₃-массаси, кг

X₄- эгаллаган жойи , м²

1) 1-база бўйича оғирлик коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$r=1 \quad i=1 \quad a_{11}^* = \frac{x'_{11}}{x'_{12}} \times a_{12} = 0.25 \times \frac{8}{20} = 0,1$$

$$r=1 \quad i=2$$

$$a_{21}^* = a_{21} \times \frac{x'_{21}}{x'_{22}} = 0,25 \times \frac{4}{7,5} = 0,53$$

$$r=1 \quad i=3$$

$$a_{31}^* = a_{31} \times \frac{x'_{31}}{x'_{32}} = 0,25 \times \frac{25}{90} = 0,06$$

$$r=1 \quad i=4$$

$$a_{41}^* = a_{41} \times \frac{x'_{41}}{x'_{42}} = 0,25 \times \frac{0,11}{0,36} = 0,07$$

$$\sum_{i=1}^4 a_{i2}^* = a_{11}^* + a_{21}^* + a_{31}^* + a_{41}^* = 0,1 + 0,53 + 0,06 + 0,07 = 0,76$$

a_{ij}^* номерлаймиз ва

$$a_{11} = \frac{a_{11}^*}{\sum} = \frac{0,1}{0,76} = 0,13$$

$$a_{21} = \frac{a_{21}^*}{\sum} = \frac{0,53}{0,76} = 0,69$$

$$a_{31} = \frac{a_{31}^*}{\sum} = \frac{0,06}{0,76} = 0,07$$

$$a_{41} = \frac{a_{41}^*}{\sum} = \frac{0,07}{0,76} = 0,09$$

2) 2-база буйича оғирлик коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$r=1 \quad i=1$$

$$a_{12}^* = a_{12} \times \frac{x'_{12}}{x'_{12}} = 0,25 \times \frac{20}{8} = 0,62$$

$$r=1 \quad i=2$$

$$a_{22}^* = a_{22} \times \frac{x'_{22}}{x'_{21}} = 0,25 \times \frac{7,5}{4} = 1,87$$

$$r=1 \quad i=3$$

$$a_{32}^* = a_{32} \times \frac{x'_{32}}{x'_{31}} = 0,25 \times \frac{90}{25} = 0,9$$

$$r=1 \quad i=4$$

$$a_{42}^* = a_{42} \times \frac{x'_{42}}{x'_{41}} = 0,25 \times \frac{0,36}{0,11} = 0,81$$

$$\sum_{i=1}^4 a_{i2}^* = a_{12}^* + a_{22}^* + a_{32}^* + a_{42}^* = 0,62 + 1,87 + 0,9 + 0,81 = 4,2$$

a_{ij}^* номерлаймиз ва

$$a_{12} = \frac{a_{12}^*}{\sum} = \frac{0,62}{4,2} = 0,14$$

$$a_{22} = \frac{a_{22}^*}{\sum} = \frac{1,87}{4,2} = 0,44$$

$$a_{32} = \frac{a_{32}^*}{\sum} = \frac{0,9}{4,2} = 0,21$$

$$a_{42} = \frac{a_{42}^*}{\sum} = \frac{0,81}{4,2} = 0,19$$

Ҳисоб:

$$Kmd_1 = \sum_{i=1}^4 a_i \frac{x_{ij}}{x_{oi}}$$

1) 1 база буйича

$$A. Kmd_1 = 0,25 \times \frac{20}{20} + 0,25 \times \frac{7,5}{7,5} + 0,25 \times \frac{90}{90} + 0,25 \times \frac{0,36}{0,36} = 0,25 \times 4 = 1$$

$$B. Kmd_1 = 0,25 \times \frac{16}{20} + 0,25 \times \frac{6}{7,5} + 0,25 \times \frac{18}{90} + 0,25 \times \frac{0,2}{0,36} = 0,25 \times (0,8 + 0,8 + 0,2 + 0,5) = 0,57$$

2) 2 база буйича

$$A. Kmd_2 = 0,25 \times \left(\frac{20}{8} + \frac{7,5}{4} + \frac{90}{25} + \frac{0,36}{0,11} \right) = 0,25 \times (2,5 + 1,8 + 2,6 + 3,2) = 2,52$$

$$B. Kmd_2 = 0,25 \times \left(\frac{16}{8} + \frac{6}{4} + \frac{18}{25} + \frac{0,2}{0,11} \right) = 0,25 \times (2 + 1,5 + 0,72 + 1,81) = 1,5$$

1чи база буйича 2 база шартлари

$$A. Kmm_2 = 0,13 \times 1 + 0,69 \times 1 + 0,07 \times 1 + 0,09 \times 1 = 0,13 + 0,69 + 0,07 + 0,09 = 0,9$$

$$B. Kmm_2 = 0,13 \times 0,8 + 0,69 \times 0,8 + 0,07 \times 0,2 + 0,09 \times 0,5 = 0,10 + 0,55 + 0,01 + 0,04 = 0,7$$

2чи база буйича 1 база шартлари

$$A. Kmm_2 = 0,14 \times 2,5 + 0,44 \times 1,8 + 0,21 \times 2,6 + 0,19 \times 3,2 = 0,35 + 0,79 + 0,54 + 0,60 = 2,28$$

$$B. Kmm_2 = 0,14 \times 2 + 0,44 \times 1,5 + 0,21 \times 0,72 + 0,19 \times 1,81 = 0,28 + 0,66 + 0,15 + 0,34 = 1,49$$

Ҳисобланаётган жиҳозларнинг танланган кўрсаткичларини бир хил салмоқликга эга деб қабул қиламиз (0,25дан) ва 1 база жиҳозлари кўрсаткичлари бўйича салмоқлик (оғирлик) коэффицентини ҳисоблаймиз ва 7-жадвалга киритамиз. Ушбу ҳисоб натижасини таҳлилидан кўришиб турибдики, бир хил шароитда иккала база жиҳозлар кўрсаткичларидан уларнинг қуввати бошқалардан кўп, худди шундай иккаласидан ФЭСН -20 кўпроқ энергия сарфлар экан. Лекин шу жиҳоз кўрсаткичларининг салмоқлик коэффицентларини таққослаганда қарийб бир хил унумдорликга эга бўлсада, унинг оғирлиги (металл сиғими) эгаллаган жойи қарийб 10 баробар кам экан. Энди янги ишлаб чиқарилган ҳозирда сотувда мавжуд ФЭСМ- 20, ФСЭН -16 фритюрницаларни базада мавжудлиги билан таққослаймиз ва олинган

ҳисоблар натижасини 5-жадвалга киритамиз. Янги таклиф этаётган ФСЭМ-20нинг худди шундай базадагиси билан $K_{\text{тд}}=1$ эканлигини кўряпмиз. Лекин, базадаги иккинчисидан $K_{\text{тд}} 2,52$ баробар катта экан. Худди шундай ФСЭМ - 16, ФСЭМ- 20дан кичик $K_{\text{тд1}} = 0,57$, ФНЭ- 5 дан эса $K_{\text{тд2}} = 1,5$ катталигини кўришимиз мумкин. Агар ишлаб чиқаришда бўлган 1 база бўйича 2 база шарти билан аниқроғи иккинчи эскирган бўлса ҳам унинг (ФНЭ-5) шартларини инобатга олган ҳолда ҳисоблаганда А жиҳоз ФСЭМ-20 $K_{\text{тд}}^* = 0,9$., Б. жиҳоз ФСЭН-16 $K_{\text{тд}}^* = 0,7$ бўлиб устунлиги кўрсатиляпти. Худди шундай 2 база бўйича 1 база (ўзига ўхшаган, фақат йил ҳисобида олдинроқ ишлаб чиқарилган) шартида ҳам уларнинг техникавий даражаси юқори эканлигини кўришимиз мумкин:

$$K_{\text{тд2а}}^* = 2,28 \quad K_{\text{тд2б}}^* = 1,49$$

Албатта, бундай ҳисобнинг бажарилиши ва ҳисоб натижаларининг таҳлили асосида жиҳозларни янгилаш, яъни корхона жиҳозланиши бўйича кўпгина қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлади.

Корхонадаги қолган жиҳозларнинг техникавий даражасини аниқлашда айнан юқорида келтирилган метод асосида ҳисоблаб, корхона асосий воситалари жамланма $K_{\text{тд}}$ - техникавий даража жадвалига киритамиз. (2.3.5-жадвал).

2.3.5.- жадвал

“Юлдуз” ресторани асосий фондлари $K_{\text{тд}}$ техникавий даражасини ҳисоблаш.

№	Корхона асосий воситалар гуруҳлари ва унинг таркиби	маркаси	Техникавий даража коэффиценти		$\text{ўртача } K_{\text{тд}} = \left[\frac{\sum_{n=1}^i K_{\text{тд}is}}{n} \right]$ қиймати	
			1-база бўйича	2-база бўйича	$K_{\text{тд2}}$	
1	Механик жиҳозлар					
2	Гўштқиймалагич	НФУ	2,47	1,94	2,2	

3	Гўштқиймалағич	МИМ-82	5,65	1,36	3,5	
4	Кўпиртиргич		1,06		1,06	
5	Кўпиртиргич		0,9		0,9	
6	Хамирқорғич	ТМН-1М	0,9		0,9	
7	Идиш ювиш машинаси		0,85	1	1	
8					1,59	
9	Иссиқлик жиҳозлари					
10	Электрофритюр- ница	ФСЭМ-20	1	2,52	1,76	
11	Фритюрница		0,57	1,5	1,03	
12	К.пишириш козони	КПКИ-60	0,83	1,4	1,1	
13	Ковуриш шакафи	ШПЭС-М3	3,8	2	3	
14	Электр това	СЭСМ-0,5	1,02	1	1,01	
15	Электроплита	ПЭСМ ИМ(2дона)	2,4	2,8	2,6	
16					1,75	
17	Совитиш жиҳозлари					
18	2 камерали совитгич	ШХ 1,056	2,02	1	3,02	
19	«Бирюза» совут гич прилавкаси	Бирюза	4,31	3	3,6	
20	Совутгич витринаси	ПВХ 1 0,30	0,2	0,6	0,4	
21	Совутгич шкафи	ШХ 0,4	0,4	0,5	0,45	

22					1,87	
23	Салқинловчи жихозлар					
24	Кондиционер	AQ 24	2,03	1,02	1,5	
25	Кондиционер	Ferette	2,06	1,2	1,6	
26					1,53	
27						1,68

Жадвалдаги натижалардан кўриниб турибдики, корхона асосий фондининг жихозлар гуруҳи ўртача техникавий даражаси $K_{\text{тд}2}=1,68$ тенг бўлиб, бу корхонадаги жихозларнинг катта қисми ҳозирги замон талабига биноан янгиланганлиги ва айниқса, совитиш жихозлар гуруҳ бошқаларга нисбатан янги эканлигини билдиради. Ушбу ҳисобларнинг ўтказилиши яна шу билан эътиборлики, бунда корхонанинг модернизация инновация ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин. Худди шундай янги олинадиган жихозларнинг турли кўрсаткичларининг рационал миқдорини, типини, энергия сарфини, шунингдек метал сиғимини, эгаллаган ишлаб чиқариш майдонидан рационал фойдаланиш мумкин. Худди шунингдек, корхона асосий фондининг бино ва иншоотлар, мебел ва инвентарлар ва бошқалар ҳам янгиланганлиги самарадорлигини оширишда катта таъсир этади. Шундай қилиб, корхонанинг моддий техника базаси асосий фондлари бўйича ўртача техникавий даражаси $K_{\text{тд}}=1,68$ га тенг бўлади. Ундаги қўлланилаётган механик жихозларнинг гуруҳи $K_{\text{тд}}=1,59$ ва салқинловчи жихозлар $K_{\text{тд}}=1,53$ бошқаларга нисбатан анча паст экан. Масалан, корхона жихозларининг ўртача техникавий даражасидан 5,4%га паст. Совитиш жихозлари гуруҳи 11,3%га кўп. Иссиқлик жихозлари гуруҳининг техникавий даражаси эса корхона ўртача техникавий даражасига яқинроқ экан. Шунинг учун корхонада хизмат сифатини кўтариш мақсадида ишлаб чиқаришдаги механик жихозларни, ҳамда хизмат кўрсатиш жойларидаги салқинловчи аппаратларни замонавий типдагилари билан алмаштириш кераклиги тасдиқланяпти.

3 БОБ.Самарқанд вилоят сервис корхоналарини техник технологик модернизациялаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш (Оби Раҳмат ОАЖ “Юлдуз”ресторани мисолида)

3.1.Корхонани модернизациялашда техника ва техникавий - иқтисодий даражасини аниқлаш. (Оби Раҳмат ОАЖ “Юлдуз”ресторани мисолида)

Хизмат кўрсатиш корхоналарини сервислаштиришнинг биринчи омили бу уни хар томонлама модернизациялаш ҳисобланади. Бунда, корхоналарни техникавий модернизациялаш муҳим ўрин эгаллайди. Корхоналарни техникавий модернизациялаш деганда, албатта биринчи ўринда унинг ишлаб чиқаришда «янги (инновацион) техника»ни киритиш тушунилади.

«Янги техника» бу илмий-техникавий ютуқлар натижаси ҳисобланиб, мамлакатда ундан олдинги маълум прототипи ва аналогига нисбатан, унинг кўлланилиши билан ишлаб чиқариш кучи ривожланади ва жамиятнинг юқори даражаси маҳсулотга бўлган талаби қондирилади.

Шунинг учун, сервислашган корхонада янги техника (бу ўринда янги технология ҳам) нафақат янги маҳсулот ва янги эксплуатация объекти сифатида, балки унданда кенг маънода қаралиши лозим.

Сервис соҳасининг бош бўғини бўлган овқатланиш корхонаси уч функцияни: тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уни тарқатиш (бўллаш, муомалага чиқариш), истеъмолини ташкил этишни бажаради. Агар овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш функцияси озиқ-овқат саноати корхоналари билан, алмашинув функцияси эса савдо корхоналари билан яқинлигини билдирса, овқатланишни ташкил этиш алоҳида ўзига хос хусусиятли хизмат кўрсатиш функцияси ҳисобланади.

“Юлдуз” ресторани истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш жараёнини ташкиллаштиришнинг илмий изланиши жараёни бир нечта босқичлардан иборат бўлди. Буларга: тайёргарлик кўриш, маълумот йиғиш, уларга ишлов бериш, системалаштириш ва умумлаштириш, хизмат кўрсатиш жараёнини ривожлантирувчи шакллари бўйича кўрсатмаларни қайта ишлаш киради.

«Янги техника» агар ишлаб чиқарувчи корхонанинг янги маҳсулоти ҳисоблансада, уни истеъмолчи, (қулловчи) корхонада у янги эксплуатация объектига айланади.Шунинг учун, уни вақт-вақти билан алмаштириб туриш темпи илмий-техникавий прогресснинг ресурс захираси ва натижавий темпини тавсифлаб,унинг жадаллашининг хал қилувчи омили ҳисобланади.

Янги техникани ишлаб чиқаришда қўллаш самарадорлигини оширишда, албатта, унинг асосий кўрсаткичларининг оптималлиги, тузилиши ва технологиясининг сифати, уни тадбиқ этиш шароити ва техникавий даражаси муҳимдир.

Корхона техникасининг техникавий даражаси деганда, баҳоланувчи маҳсулотнинг базавий кўрсаткичларига нисбатан такомиллаштирилган кўрсаткичларни таққослашга асосан нисбий тавсифи тушунилади.Асосий мақсад маҳсулотнинг микдорий такомиллашганлигини, унинг функционал мўлжалланганлигига мослигини аниқлашдир. Шу билан техникани режалаштириш, сифатини яхшилаш ва жаҳон намуналарига мослигини билиш мумкин бўлади.Агар маҳсулотларни таққослашда унинг истеъмол қиймати ва ижтимоий зарур сарфи билан олиб борилса, унда техникавий-иқтисодий даражаси деб тушунилади.Яъни, бир томондан бир-бирини алмаштириши мумкин бўлган иш қуролининг истеъмол қийматини микдорий аниқланиши ва таққослаш бўлса, бошқа томондан унинг яратишдаги ва эксплуатациясида сарфланган ижтимоий меҳнатни аниқлашдир⁵⁶.

Ҳозирги вақтларда меърий ҳужжатларда (ГОСТ, ОСТ, ГОСТ 15467-79) техникавий даражани аниқлашда маҳсулотнинг асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичларини бир-бирига таққослаш билан аниқланиши кўрсатилган. Бироқ бу ҳолат тушунчаларнинг назарияда аниқ такомиллашмаганлигидан дарак беради ва бундай ёндашиш кўп ҳолда

⁵⁶ Ямпольский С.М.,Галуза С.Г.Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом.Киев:Наук.думка,1976. С241-242.

маҳсулотларни чет эл намуналари билан ҳамма вақт ҳам таққослашга йўл қўймайди.

Агар техникавий даража маҳсулотнинг иқтисодий кўрсаткичларига бефарқ равишда такомиллашганлигини тавсифласа, техникавий – иқтисодий даража эса иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда техникавий такомиллашганлигини билиб, унда маҳсулотларни техникавий даражасини чет эл намуналари билан тўлақонли таққослаш мумкин бўлади.

Ҳозирги вақтда, кўп ҳолда корхона жихозларини янгилашда (айниқса хизмат кўрсатиш корхоналарида) эксперт методи, яъни бир гуруҳ мутахассислар фикри бўйича қайси жихоз қай бирига алмаштириш масаласи мавҳум ҳолда, аниқ ҳисобларсиз ҳал этилади. Бундай ҳолат, ҳаммавақт ҳам масалани тўғри ечишга олиб келмайди ва натижада корхона рентабеллигига салбий таъсир этиши мумкин.

Ушбу масала куввати юқори бўлган саноат корхоналарида моделлашган турли методларда ҳисобланади. Бунда маҳсулотнинг техникавий даражаси кўп параметрли функция сифатида қаралиб ҳисобланади. Яъни j – маҳсулотнинг техникавий даражаси X_i ($i=1,n$) кўрсаткичлар билан ифодаланади⁵⁷:

$$K_{\text{то}j} = \varphi(x'_{ij}; x'_{i\bar{o}}; a_i)$$

бунда: $x'_{i\bar{o}}$ – i - кўрсаткичи базали қиймати;

a_i – i - кўрсаткич қиймати (салмоқлиги).

Агар техникавий иқтисодий даражани баҳоланса унда қўшимча иқтисодий кўрсаткичлар ҳам инобатга олиниши керак булади. Унда техникавий-иқтисодий даража коэффицентини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{\text{то}} = \psi(x'_{ij}; x'_{i\bar{o}}; \beta_j; \beta_{\bar{o}}),$$

⁵⁷ В.И.Терехин.Повышение эффективности производства новой техники.-М.,Экономика,1987.220с

Бунда:

$Z_{ij} - 1$ соҳадаги харажатлар. ($i=1, l$)

Ушбу математик моделдан техникавий даража ва техникавий – иқтисодий даража бир – бирига қарши бўлмай, балким бир – бирини тўлдиришини куриш мумкин.

Ушбу моделларни иккаласи ҳам корхонанинг модернизация ғ инновацион янгилигини ҳисоблашда қўлланилиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки, агар техникавий даража корхона жиҳозларининг қанчалик такомиллашганлигини кўрсатса, техникавий иқтисодий даража корхона рентабеллигига тўғридан тўғри боғлиқ бўлишини ифодалайди.

Корхона техникавий ва техникавий–иқтисодий даражани ҳисоблашда ҳам турли ҳилдаги фикрлар мавжуд. Техникавий – иқтисодий даражани ҳисоблашда, нисбатан кенг тарқалган қуйидаги фикрлар эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз:

- техникавий ва иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда экспертлар ёрдамида ёки бошқа йўл билан уларнинг салмоқлик коэффицентини аниқлаш зарур⁵⁸

- ҳисоблашда асосий параметрларни танлаш, масалан, натурал кўрсаткичлар (солиштирма материал сифими, солиштирма энергия сифими) ва қийматли солиштирма баҳоси, солиштирма жорий сарф харажат). Техникавий–иқтисодий даража кўрсаткичларнинг умумий кўрсаткичи сифатида иш унумдорлигига ҳисобланган келтирилган сарф-харажатни олиш таклифи⁵⁹;

- ГОСТ 15467-70 бўйича техникавий–иқтисодий даража кўрсаткичлари интеграл ва комплекс сифат кўрсаткичлари билан мос тушади;

⁵⁸ В.И Терехин.Повышение эффективности производства новой техники.-М.,Экономика,1987.220с

⁵⁹ Розенплентер А.Э.,Широкоорова Б.Основы управления созданием новой техники.Киев:Вища школа;Прага:СНТЛ,1984.С.60

-янги машина самарадорлигини соҳа ўртача даражасидан йиллар ўтиши билан орқада қолиши техникавий –иқтисодий даража деб тушунилади⁶⁰;

-техникавий –иқтисодий даражани аниқлашда маҳсулотнинг истеъмол қиймати ва меҳнат сарфининг мослигини аниқлаш⁶¹;

- техникавий даражани аниқлашда жаҳон бўйича энг илғор ишлаб чиқариш жихозларига таққослаш.

Худди шунингдек техникавий даражани ҳисоблашда ҳам турли методлар қўлланилади. Масалан, электрон техника ва асбобсозлик саноати корхоналарида ҳисоблаш методига қуйидагилар тақлиф этилади: - ҳисоблашда умумийлаштирилган комплекс кўрсаткичларни қўллашни тавсия этилади:

-комплекслашган кўрсаткичларни танлашда унинг бирламчи кўрсаткичлар билан статистик боғлиқлигини ёки уларнинг салмоқлиги аниқланади;

-техникавий даражани аниқлашда

$$K_{\text{тд}2}(t+ t) > K_{\text{тд}1}(t)$$

шарти бажарилса, баҳолаш салмоқли ҳисоблашни⁶²;

-ҳар бир асбобнинг ,жихознинг асосий параметрлари танланиши кераклигини;

- асбоблар ва жихозларни таққослаш учун базали намуна бўлиши кераклиги; агар $K_{\text{тд}}$ умумий кўрсаткич бўлса, улар бирламчи кўрсаткичлар билан ифодаланиши $K_{\text{тд}}(x_i, a_i)$ ва $K_{\text{тд}j}$ ҳисобланиб, энг каттаси танланиши кераклиги⁶³.

⁶⁰ Ямпольский С.М.,Галуза С.Г.Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом.Киев:Наук.думка,1976. С78

⁶¹ Ямпольский С.М.,Галуза С.Г.Экономические проблемы управления научно-техническим прогрессом.Киев:Наук.думка,1976. С242.

⁶² Погожев И.Б.Обобщенные показатели выполнения программ развития //АСУ и исследование операций.Новосибирск:Изд-во ВЦ СО АН ,1976.с88

⁶³ В.И Терехин.Повышение эффективности производства новой техники.-М.,Экономика,1987.с15

Техникавий даражани ҳисоблашда бирламчига нисбатан умумий кўрсаткични таққосласа, ҳисоб аниқроқ бўлади, яъни $K_{tdj}(x_{ij}; a_i)$ нинг $K_{tdb}(x_{ij}; a_i)$ нисбатан олиниши лозим. Мультипликатив формада K_{tdj}/K_{tdb} бўлса, аддитив функцияда куйидаги кўринишда бўлади:

$$\sum_i a_i \frac{x'_{ij}}{x'_{i0}} \neq \frac{\sum_i a_i x'_{ij}}{\sum_i a_i x'_{i0}}$$

Агар (1) K_{tdjr} - j асбобнинг r – модели бўйича техникавий даражасининг умумий баҳоси десак, унда хакикий қийматини топишда масштаблаш шарти куйидагича бўлиши талаб этилади:

$$\frac{K_{tdjr}}{K_{tdil}} = const \quad (1)$$

$$j = \overline{1, m}; \quad r = \overline{1, R} \quad \ell = \overline{1, R}$$

Ҳақиқатда ҳам куйидаги нисбат бажарилади:

$$K_{tdi}^* - \alpha K_{tdir} - \beta K_{tdil}$$

Бунда:

K_{tdi}^* - техникавий даражанинг хакикий j -вариантининг умумийлашган қиймати

α, β - моделнинг улчов масштабини характерловчи коэффициентлари.

Асбоб-ускуналар техникавий даражасини ҳисоблаш бўйича тузилган математик моделларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, юқорида кўрсатилган шартларнинг бажарилиши билан нисбатан кенг қўлланилаётган (айниқса асбобсозлик соҳасида) квалиметрияда куйидаги моделлар мавжуд:

$$K_{td} = \sum_{i=1}^n a_i \cdot P_i \quad (2)$$

$$K_{td} = \prod_{i=1}^n a_i \cdot P_i^{a_i} \quad (3)$$

$$K_{TD} = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n a_i \cdot P_i} \quad (4)$$

$$K_{TD} = \sum_{i=1}^n a_i \cdot P_i^{a_i} \quad (5)$$

$$K_{TD} = \sqrt{\sum_{i=1}^n a_i^2 (1 - q_i)^2} \quad (6)$$

(2) – (5) функциялар (x_j) абсолют, ҳамда (q_j) нисбий бирламчи кўрсаткичлар учун бўлса, (6) функция фақат нисбий кўрсаткичлар учун қўлланилади.

(2) функция учун масштаблаш шартига (1) шарт қўлланилади:

$$a_{ir} = \gamma \frac{x'_{ir}}{x'_{il}} a_{il} \quad (7)$$

бунда: γ - техникавий даража ҳақиқий (K_{TD}^*) қийматини топиш учун умумий баҳолашни қайта ҳисоблаш коэффициентини;

Кўп ҳолда $\gamma=1$ бўлса, унда $K_{TD}=K_{TD}^*$ бўлади.

Ускуналарни танлашда унинг техник даражаси динамик (вақт бўйича)и ўзгариши ҳам ахамиятли ҳисобланади ва шунинг учун унинг техник даражаси динамикаси аниқланади.

Асбоб ва ускуналар техникавий даражаси динамикасини, яъни вақт бўйича ўзгаришни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{TD}(t) = \frac{1}{1 + \exp[-\alpha(t - t_0)]} \quad (8)$$

Бу ерда: вақт $t=t_0$ бўлганда $K_{TD}(t_0) = K_{TD0}$ бўлади.

$$\text{коэффициент} \quad \alpha = \frac{1 - K_{TD0}}{K_{TD0}} \quad (9)$$

Худди шунингдек :

$$\alpha = \frac{\ln \left(\frac{1 - K_{TD1}}{K_{TD1}} \right)}{t_1 - t_0} \quad (10)$$

δ ва α топишда йиллар (вақт) мобайнида шу асбобнинг янги пайдо бўлганда экспертлар фикри асосида $K_{TD(t)}$ аниқланиб ушбу коэффициентлар топилади ва хулоса қилинади. Бунда баъзида K_{TD} нинг аниқлигини ошириш учун экспертли баҳолаш ўрнида умумий кўрсаткичлар кўп факторли модели қўлланилади. Масалан, улар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин⁶⁴ ().

А - гуруҳи учун:

$$K_{TD} = 0,98 \cdot q_1^{0,27} \cdot q_2^{0,027} \cdot q_3^{0,039} \cdot q_4^{0,021} \cdot q_5^{0,018}$$

$$R=0,798; \quad \delta=2,91\%; \quad F_{\text{хисоб}}=8,41; \quad F_{\text{жадвал}}=2,14$$

Б - гуруҳи учун:

$$K_{TD} = 0,90 \cdot q_1^{0,042} \cdot q_2^{0,026} \cdot q_3^{0,018}$$

$$R=0,93; \quad \delta=3,2\%; \quad F_{\text{хисоб}}=10,1; \quad F_{\text{жадвал}}=8,8$$

Бунда: А гуруҳи: q_1 —ишчи температура диапазони; q_2 —ишчи кучланиш диапазонида кучланиш; q_3 —кучланиш температура коэффициенти; q_4 —кучланишнинг ҳар ҳил ҳолатда ўзгариши; q_5 —узоқ муддатлиги.

Б гуруҳи учун: q_1 —ўлчаш диапазони; q_2 —аниқлик классификацияси; q_3 —ўзгариш тезлиги. R-корреляция коэффициенти; δ —ўртача хатолик; F-Фишер коэффициенти.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир асбоб ёки асбоблар гуруҳи учун унинг бирламчи кўрсаткичлари бўйича кўп факторли регрессион ҳисобнинг олиб борилиши, унинг қиймати ҳисобининг аниқлигини оширсада, лекин ҳисоблаш жараёнини мураккаблаштиради ва унинг самарасини объективлигини камайтиради.

Худди шундай метод микропроцессорлар учун ҳам қўлланилади⁶⁵: ()

$$K_{TD} = \left[\sum_{i=1}^l \beta_i \cdot \sum_{j=1}^n \alpha_{ij} \frac{x_{ij}}{x_{i0}} + \Delta S \right] K_{no}$$

Бунда:

β_i - i элементнинг микропроцессордаги салмоқлик коэффициенти;

⁶⁴ В.И Терехин.Повышение эффективности производства новой техники.-М.,Экономика,1987.с23

⁶⁵ В.И Терехин.Повышение эффективности производства новой техники.-М.,Экономика,1987.с27

i -бирламчи кўрсаткич ℓ – элементи салмоқлик коэффиценти;

$l = \overline{1, L_S}$ S-комплекти таркиби

α_{il} - i бирламчи кўрсаткич ℓ – элементи салмоқлик коэффиценти.

ΔS - S комплекти архитектурасининг такомиллашганлиги эксперт баҳоланиши;

K_{nos} - S комплектининг дастурланганлик даражаси.

Бундан ташқари кластерлаш таҳлили методи ҳам мавжудки, унда дендограммалар орқали таққосланувчи кўрсаткичлар гуруҳининг бир-бирига яқинлиги ҳисобланади.

Юқорида биз турли соҳаларда қўлланиладиган техникаларнинг (асбоб ускуна, жихозлар, маҳсулотлар ва х.к.) янгиланиши мақсадида олиб бориладиган ҳисоблар методларининг таҳлилини кўриб чиқдик. Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатдики, бундай ҳисоблар методи якка ёки ўхшаш гуруҳи учун мўлжалланган, лекин корхона жихозлар миқёсида корхонанинг моддий-техникавий базасининг комплекс инновацион янгиланиши учун ушбу кўринишда қўллаш самарасиз мураккаб ҳисобларга олиб келади. Шунинг учун юқорида келтирилган асосан саноат ҳисоблаш методларидан фойдаланиб хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарининг техникавий даражасини ҳисоблаш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Корхона моддий-техник базасини асосий кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаш.
2. Ҳар бир гуруҳ учун $K_{тд}$ - техникавий даража коэффицентини аниқлаш ва уларнинг ўртача математик қийматини корхона техникавий даражаси деб қабул қилиш керак:

$$K_{ктд} = \left[\frac{\sum_{n=i}^i \overline{K_{m\partial ij}}}{n} \right]$$

Бунда: n - гуруҳлар сони;

3. $\overline{K_{m\partial ij}}$ - ҳар бир гуруҳдаги ҳисоблаш объектининг (техника, асбоб ускуналар ва х.к.) техникавий даража коэффицентини ўртача қиймати.

$$K_{k\partial} = \left[\frac{\sum_{n=i}^i K_{m\partial is}}{n} \right]$$

Бунда: n - шу гуруҳдаги объектлар сони.

$K_{\text{тdis}}$ –объектлар (жихоз, асбоб ускуна ва х.з) техникавий даража коэффицентини

$K_{\text{тdij}}$ - ҳисоблаш учун (2) формула танланади ва масштаблаш учун (7) формула қўлланилади, яъни ҳисоблаш объекти (жихозлар ва х.к) асосий кўрсаткичларининг салмоқлиги ҳисобга олинади.

4.Корхона техникавий даражасининг динамикасининг аниқлаш учун аниқланган $K_{\text{тд}}$ ёрдамида (9) ва (10) формулалардан фойдаланиб (динамик) коэффицентлари аниқланади.

Умумий овқатланиш корхоналарнинг ишлаб чиқаришида модернизация инновацион техника ва технологиянинг тадбиғи, корхона иқтисодий самарадорлигига қанчалик таъсирини олдиндан аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Янги техниканинг умумий овқатланиш корхонасида қўлланилиши иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун В.И.Шалун⁶⁶таклиф этган, ҳар бир ишлаб чиқариш маҳсулотига (ишга) келтирилган сарф харажат ҳисоби методикасидан фойдланамиз. Бунда бир хил ҳажмда бажарилган маҳсулот ёки бажарилган ишга энг кам сарф харажат қилган модернизация инновацион тадбир самарали деб ҳисобланади.

Корхона иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методининг асосий формулалари, уларни ташкил этувчи кўрсаткичлари 7 иловада келтирилган. Ушбу методда бир ва бир неча вариантни қиёслаш билан иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш мумкин. Бунда йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоб йилидан олдинги ҳолат билан таққосланади. Шунинг учун корхона

⁶⁶ Шалун В.И.Общественное питание на новый технический уровень.-М:Экономика 1987г.45-84с.

Бизда 2009 йилгача ҳолат билан 2011 йил модернизация йили ҳисобини бажардик ва ушбу йилни модернизация инновацион йили деб белгиладик.

Модернизация инновацион йилида келтирилган харажатлар ишлаб чиқариш ва муомала харажатлардан ва ишлаб чиқариш фондига қўйилмалардан иборат деб биламиз. Шу билан бирга капитал қўйилма иқтисодий самарадорлигини норматив коэффиценти ҳам инобатга олиниши лозим бўлади. E_n -норматив коэффицентни изланиш объекти учун 0,15 га тенг деб олдик.

Корхона йиллик иқтисодий самарадорлиги бу йиллик қўйилма ва ишлаб чиқариш, муомала харажатлар суммасида ифодаланган, техникавий тадбирларнинг тадбиридан келиб чиқган фойда ҳисобланади.

Корхона асосий фондига қўйилган капитал қўйилмалар: янги техникани олиш, уни келтириш, монтаж қилиш, қурилиш харажатлари, техникавий хизмат кўрсатиш ва бошқалардан иборат бўлади.

Барча харажатлар корхона модернизация тадбирининг режаси, сметаси бўйича ҳисобланади. Агар булар тузилмаганда, улар тизимда қабул қилинган миқдорда қабул қилинади. Масалан, янги жиҳозларни келтириш харажати унинг улгуржи баҳосининг 5%ни ташкил этади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари смета харажатларидан олинса, демонтаж қилиш реал бажарилган ишлар қийматида ҳисобланиши мумкин.

Жиҳозларнинг амортизация бўлмаган қиймати корхона баланси асосида олинди ва ликвидация ишлари харажати унинг сотилиши нархига ёки металлалом ҳисобида ҳисобланади.

Жиҳозларни қайта таъмирлаш харажатлари, алмаштирилиши ёки қўшимча ўрнатиладиганларининг сони, улар эгаллайдиган юза ҳисобида умумий овқатланиш корхоналарида сарфланадиган харажатлар ҳисобига олинди. Худди шунингдек, алмаштириладиган жиҳозларни демонтаж этиш харажати, корхонада ҳақиқий сарфланадиган харажатлар ҳисобида ёки уларнинг сонига қараб қурилиш ишларида қўлланиладиган баҳоларда ҳисобланиши мумкин. Техникавий модернизация самарадорлигининг

ҳисобида харажатларни ҳисоблашда: иш ҳақи, бинонинг ижара ҳақи, асосий фонд амортизацияси, бинони сақлаш, кундалик таъмирлаш, ишчи кийим, кам қийматли ва тез сарфланадиган нарсалар, овқатланиш идиш товоқлари, асбоблари, энергия, сув ва бошқа сарфлар харажатлар ҳам ҳисобланади.

Умумий овқатланиш корхона бино ва хоналарининг таркибига сарфланадиган харажатларнинг амортизация ажратмалари суммасига нисбати коэффицентидан фойдаланамиз (ресторанлар учун - 1,41). Уларни таъмирлаш ва жиҳозларга комплекс хизмат кўрсатиш харажати ҳақиқий ҳолатга қараб кетган харажатлар ҳисобида олинади ёки бундай ишларни режалаштирганда эса амортизацион ажратмаларнинг 30 -50% миқдорида қабул қилинади. Жиҳозларга кўрсатиладиган хизматларга кетган сарфлар бу ишларнинг улгуржи нархларида ҳисобланади.

Ишчи кийимларнинг эскириши бўйича харажатлар, ишсизлар сони, жиҳозларнинг бир кундаги ишлаш вақти, бир йилдаги ишлаш кунлари, кийимлар бир комплектининг нархи, тозалашига кетган сарф харажатлар ҳисобида олинади. Агар олдиндан режалаштирилса, унда асосий ва қўшимча иш ҳақининг 6% бирлигида қабул қилинади. Жиҳозларга кетадиган энергия ҳисобида электр эҳнергия сарфи ҳисобланади. Бунда унинг қуввати, уни ишлатиш коэффиценти, ишлаш вақти, электр энергия тариф баҳоси инобатга олинади. Ҳисоблашда ишлатиш коэффиценти турли гуруҳ жиҳозларига турлича қабул қилинади. Механик жиҳозлар электр двигателининг ишлашига 0,5-0,7, идиш ювиш машинасига 0,7; совитгичларга 0,75; назорат касса аппаратларига 0,2-0.3 тенг деб олинди. Мақсадга мувофиқ шуни айтиш керакки, ушбу методика умумий овқатланиш корхоналарида янги техника тадбиғи бўйича мўлжалланган иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўллаш учун қайта ишланиб Республика корхоналаридаги қўлланиладиган тариф ва коэффицентларни меъёрий хужжат сифатида ишлаб чиқиб расмийлаштириш лозим.

Юқорида келтирилган метод ёрдамида корхона жиҳозлари иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш учун бирламчи маълумотлар жамланмаси тузилди ва жадвал шаклида берилди.

Жадвал 9 иловада корхона механик жиҳозлари учун ҳисоблаш бирламчи маълумотлар ҳисоблар келтирилган.

Олинган натижа, яъни механик жиҳозларнинг янгиланишидан олинadиган 420 минг сўм иқтисодий самарадорлик жадвал 2 да келтирилган.

Худди шунингдек, корхона иссиқлик жиҳозлари учун, совитиш жиҳозлари, салқинловчи жиҳозлари учун корхона иқтисодий самарадорлиги ҳисобланиб (иловада келтирилган) олинган натижалар 3.1.2-жадвалда киритилди.

Корхона асосий фондининг қолган: мебел жиҳозлари, бино ва иншоотлар, бошқа жиҳозлар ва воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги куйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланди:⁶⁷:

$$K_3 = \Pi : \text{ОФ}$$

Бунда: Π – олинган фойда, сўм

ОФ-асосий фондларнинг ўртача қиймати, сўм

“Юлдуз” ресторанида 2011 йил ҳисобот йилида олинган фойда “Юлдуз” ресторани асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлилидан (корхона йиллик ҳисоботидан олинган) олинди. Ҳисобланган иқтисодий самарадорлик мебел жиҳозлари, бино ва иншоотлар, бошқа жиҳозлар ва воситалар учун 3.1.3.-жадвалда киритилди.

Мақсадга мувофиқ шуни кўрсатиш мумкинки, 3.1.2-жадвалда келтирилган корхона асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили, унинг ҳисобот йилида модернизация инновациясидан кейин ривожланганлигини тасдиқлайди.

3.1.2.-жадвал

“Юлдуз” ресторани асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили (модернизация инновациядан сўнг)

⁶⁷ Ефимова О.П. Экономика общественного питания: Учебное пособие. Мн.: новое знание, 2008. - 348с.-200с.

2011 йил.

(минг сум)

№	Кўрсаткичлар	2009й	2011й	Фарқи	2011й 2009й %
1	Ялпи товар айланиши	12142	44542	+32400	366,8
2	Чакана товар айланиши	10582	44212	+33630	417,8
3	Ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти бўйича айланма	1023	3214	+2191	314,1
4	Фойда	930	1010	+80	920,7
5	Асосий фондларнинг ўртача қиймати	31245	45678	+1443	146,2
5.1	Фаол қисми	3360	4242	+146,1	126,2
6	Ўрин миқдори	200	250	+50	12,5
7	Ўртача рўйхат, киши	46	98	+52	213,0
7.1	Савдо ишлаб чиқариш персоналлари	28	62	+34	221,4
8	Асосий фондларнинг фонд қайтими	0,38	0,97	+0,59	255,2
9	Асосий фондларнинг фаол қисмининг фонд қайтими	0,30	0,75	+0,45	250
10	Асосий фондларнинг фонд сиғими	2,57	1,02	-1,55	39,6
11	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	3,28	1,32	-1,96	40,2
12	Асосий фондларнинг фаол қисмининг салмоқлиги	0,10	0,09	-0,01	90
13	Асосий фондларнинг фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти	0,003	0,020	+0,017	666,6
14	Бир ўриндан олинган фойда	0,50	3,72	+3,22	744
15	Бир ўринда чакана товар айланмаси	52,91	176,8	+123,8	334,1
16	Бир ўринда ишлаб чиқариш маҳсулоти бўйича айланмаси	5,11	12,85	+7,74	251,4
17	Ўринлар сони ҳисобда: бир ишчи учун	4,34	2,55	-1,79	58,7
	Бир савдо ишлаб чиқариш учун	7,14	4,03	-3,11	56,4
18	Асосий фондларнинг самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи	0,001	0,02	+0,02	2000
19	Фонд қуролланганлиги	679,2	466,1	-213,1	68,62
20	Фонд таъминоти	120	68,42	-51,58	57,01

**Корхона техникавий даражаси ва техникавий модернизациянинг
иқтисодий самарадорлигини боғлиқлиги**

№	Гуруҳлар номи	К_{тд}	Э_п минг сўм
1	Механик жиҳозлар	1,6	420
2	Иссиқлик жиҳозлар	1,7	2384,6
3	Совитиш жиҳозлар	1,8	1289,7
4	Салқинловчи жиҳозлар	1,5	600,3
5	Мебел жиҳозлари	0,94	0,5
6	Бино ва иншоотлар	0,84	0,011
7	Бошқа жиҳозлар ва воситалар	0,88	0,55

3.1.2-жадвалда корхона техникавий даражаси ва техникавий модернизация иқтисодий самарадорлигининг боғлиқлиги келтирилган. Корхонанинг ўртача техникавий даражаси коэффиценти 1,34 бўлганда, унинг иқтисодий самарадорлиги 4695,7 минг сўмни ташкил этади. Корхона иқтисодий самарадорлигига ундаги ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик жиҳозларнинг техникавий даражаси катта таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун барча қўлланиладиган жиҳозлар соз ҳолатда бўлиши, вақт вақти билан эксплуатация регламентига асосан техникавий хизматлар кўрсатилиши ва замонавий янгиликларга алмаштирилиб туриши лозим.

Худди шунингдек, корхона моддий техника базаси таркибидаги бино ва иншоотлар, мебел ва инвентарлар ва х.к. ҳам замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган бўлса, корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ошиб унинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

3.2. Умумий овқатланиш корхоналарида сервис хизматини кўрсатишни тадқиқоти (“Оби Раҳмат” ОАЖ “Юлдуз”).

Умумий овқатланиш корхоналарида сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини илмий тадқиқ қилишда биз хронологик ва фотографик кузатиш методини қўлладик. Бунда тадқиқот объекти этиб “Юлдуз” ресторанидаги истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматни олдик.

Овқатланиш корхонасида тадқиқотни самарали олиб боришда қуйида келтирилган тавсия ва мулоҳазаларга амал қилиш керак бўлади..

Кузатув жараёнини овқатланиш залининг жиҳозлари билан танишишдан бошладик. Корхонада официантлар томонидан хизмат кўрсатилганлиги учун зални маълум бир ўринларга бўлдик ва ҳар бир столга аниқ бир номер ўрнатилди.

Кузатув жараёнини эса махсус харитада ҳар бир қилинган кузатувларни қайд этиш ва кузатув харитасининг биринчи варағига (3.2.1-жадвалда кўрсатилган) белгилаб бориш билан олиб борилди.

3.2.1-жадвал

Кузатув харитаси №1 84 ўринли ресторан

Вазият номери	Стол раками												
		12- 05	12- 10	12- 15	12- 20	12- 25	12- 30	12- 35	12- 40	12- 45	12- 50	12- 55	13- 00
1	1	04	П4	П4	П4	У4	С4			О2	О2	П2	П2
	2		О3	О3	П3	П3	П3	П3	У3		С3	О4	О4
	3	О2	О2	П2	П2	П2	П2	П2	П2	У2			С2
2	4									О3	О3	П3	П3
	5	О4	О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О2	П2	П2
	6		О4	О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О2	П2
3	7			О4	П4	П4	П4	П4	У4	С4		О4	П4
	8	О3	П3	П3	П3	П3	У3		С2	О2	П2	П2	П2
	9			О4	О4	П4	П4	П4	П4	П4	У4	С4	О4

Изоҳ: О – хизмат кўрсатишни бошланишини кутиш; П-овқатни истеъмол қилиш; У-хизмат кўрсатиш; С-истеъмолчиларнинг келишига жой тайёрлаш (идишларни тозалаш ва тахминий сервировка қилиш).

Рестораннинг залида таҳлил учун ахборотларни йиғиш учун кузатишга қулай бўлган жойни (барча столлар яхши кўриниши шарт) танланди. Бунда 50-100 жойли ресторанни бир тадқиқотчининг ўзи ҳам кузатувни амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга жойлар сони қанча кўп бўлса, шунчалик кузатувчилар сони ҳам кўпаяди, албатта.

Истеъмолчининг ўз-ўзига хизмат кўрсатишда истеъмолчиларнинг оқимини қайд этиш қўлда ёки автоматик равишда залнинг кириш йўлида қайд этилди (3.2.2-жадвал), чиқувчи оқимлар эса (тарқатувчининг тарқатиш қобиляти) - тарқатиш хонасини тарқатгандан сўнг фақат кирувчилар ўрнига чиқувчилар қайд этилди ва 3.2.2-жадвал тўлдирилди.

3.2.2-жадвал

№2 сонли кузатув харитаси ошхона залида

Вақт оралиғи, соат- дақиқа	Кириб келаётган истеъмолчилар оқимининг қайд этилиши	Кириб келаётган истеъмолчилар оқими, киши
8.00-8.05	І І І І І І І І	8
8.05-8.10	І І І І І І І І	8
8.10-8.15	І І І І І І І І	8
8.15-8.20	І І І І І І І І І І	11
8.20-8.25	І І І І І І	6

Ўз-ўзига хизмат кўрсатишда тарқатиш хонасида навбатнинг узунлигини аниқлаш учун ва залнинг банд бўлган жойларининг миқдорини аниқлашда лаҳзали кузатув методидан фойдаландик. Бунда маълум вақтда залда банд бўлган ўринлар сони, навбатда турганлар сони аниқланди ва 3.2.3-жадвал кўринишида белгиланди.

№3 сонли кузатув харитаси ошхона залида

Вакт оралиғи, соат- дақиқа	Залда банд бўлган ўринлар сони	Тақсимлаш хонасидаги навбат, киши
8.00-8.05	7	1
8.05-8.10	7	3
8.10-8.15	8	4
8.15-8.20	9	6
8.20-8.25	9	5
8.25-8.30	8	3

Олинган ахборотларни қайта кўришда бир қанча хизмат кўрсатиш жараёнини характерловчи параметрлари асосида аниқланди: хизмат кўрсатиш бошланишини кутиш вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залда банд бўлган жойлар вақти; залга истеъмолчи оқимининг интенсив кириши; хизмат кўрсатиш системасининг чиқариш қобилияти; залнинг тўлиши; залдаги жойларнинг айланиши ва бошқалар.

Харита бўйича истеъмолчилар оқимининг кириши 3.2.1-жадвалда келтирилганлиги бўйича қуйидагича аниқланди: жадвалга соат интерваллари бўйича истеъмолчиларнинг келиш миқдори шу интервал давомида белгиланган столда жой олганлиги белгиланди (3.2.4-жадвал).

3.2.4-жадвал

“Юлдуз” ресторанида истеъмолчилар оқимининг интенсивлиги, киши/соат

вазият рақами	Стол рақами	12.00- 13.00	13.01- 14.00	14.01- 15.00	15.01- 16.00	16.01- 17.00	17.01- 18.00	18.01- 19.00	19.01- 20.00	20.01- 21.00	21.01- 22.00	22.01- 23.00	Бир кунда
1	1	6	4	4	-	2	4	-	-	4			24
	2	7	3	4	-	2	-	-	4		4		24
	3	2	6	4	-	4	-	-	3	1		2	22
2	4	3	7	4	5	-	2	-	2	2			25
	5	6	3	6	4	-	4	-	4				27
	6	6	4	2	4	-	-	-	-		4		20
ва х.з.													
7	19	8	4	4	4	3	-	-	4			2	29
	20	5	4	-	4	-	-	-	4			-	27
	21	4	6	6	3	4	2	2	2	4			33
Жами		109	104	81	54	22	17	-	56	31	17	6	497

